МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

# Mahalla

ШАНБА

2014 йил 18 январь,
№6-7 (973-974)

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

# 2014 ЙИЛ ЮҚОРИ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИ БИЛАН РИВОЖЛАНИШ, БАРЧА МАВЖУД ИМКОНИЯТЛАРНИ САФАРБАР ЭТИШ, ЎЗИНИ ОҚЛАГАН ИСЛОҲОТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ ЙИЛИ БЎЛАДИ

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Биз бугун 2013 йилнинг якунлари ҳақида гапирганда, аввало, ўтган йилда мамлакатимизнинг **иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда мутаносибликка эришгани, модернизация ва диверсификация ҳисобидан юқори суръатлар билан ривожланганини** қайд этамиз.

Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8 фоизга ўсди, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги — 6,8 фоизга, чакана савдо айланмаси — 14,8 фоизга ошди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичидан паст бўлди ва 6,8 фоизни ташкил этди.

Ўтган йил якунларига кўра, ташқи давлат қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 17 фоизни, экспорт ҳажмига нисбатан қарийб 60 фоизни ташкил этди. Бу авваламбор хорижий инвестициялар ва умуман, четдан қарз олиш масаласига чуқур ва ҳар томонлама пухта ўйлаб ёндашиш натижасидир.

2013 йилда иқтисодиёт соҳасидаги солиқ юки 21,5 фоиздан 20,5 фоизга, жисмоний шахслар учун даромад солиғининг энг кам ставкаси 9 фоиздан 8 фоизга туширилганига қарамасдан, давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоиз профицит билан бажарилди.

Давлат бюджети харажатлари таркибида ижтимоий соҳага йўналтирилган харажатлар юқори даражада сақланиб қолди ва умумий харажатларнинг 59,3 фоизини ташкил этди.

Мамлакатимиз иқтисодиётида юз бераётган жиддий сифат ўзгаришлари алоҳида эътиборга сазовордир.

Юртимизда қабул қилинган 2011-2015 йилларда саноатни устувор даражада ривожлантириш дастури ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир тармоқ дастурларининг изчил амалга оширилиши натижасида саноат таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган, рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаётган қайта ишлаш тармоқларининг ўрни тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 78 фоиздан ортиғи айнан ана шу тармоқлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

2013 йилда юқори технологияларга асосланган машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати 121 фоизга, қурилиш материаллари саноати 113,6 фоизга, енгил саноат 113 фоизга ва озиқ-овқат саноати 109 фоизга ўсгани мисолида буни яққол кўриш мумкин.

Телекоммуникация ускуналари, компьютер техникаси ва мобиль телефонлар, кенг турдаги маиший электроника маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган янги замонавий корхоналар ташкил этилмоқда. Иқтисодиётимизнинг деярли барча тармоқлари модернизация қилиниб, амалда технологик жиҳатдан янгиланмоқда.

Ана шундай ўзгаришлар натижасида ялпи ички маҳсулот таркибида саноатнинг улуши ҳозирги вақтда 24,2 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда. Ҳолбуки, бу кўрсаткич 2000 йилда 14,2 фоиздан иборат эди.

Мамлакатимизда истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни тубдан ошириш бўйича ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар ҳам амалий самарасини бермоқда.

Ўтган йили ана шундай товарлар ишлаб чиқаришнинг ўсиш ҳажми 14,4 фоизни ташкил этди ва ялпи саноат ҳажмида уларнинг улуши 35,5 фоизга етди. Бундай товарларнинг рақобатдошлиги нафақат ички бозорда, балки ташқи бозорда ҳам тобора ортиб бормоқда.

Ҳеч шубҳасиз, бу борада саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш кўламини кенгайтириш бўйича бажарган ишларимиз муҳим роль ўйнади.

Сўнгги 3 йилда мамлакатимизда маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми қарийб икки баробар ошди. Фақат ўтган йилнинг ўзида 455 та корхонада маҳаллийлаштириш дастури асосида 1 минг 140 та лойиҳа амалга оширилди. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш ҳажми 1,2 баробар кўпайди ва импорт ўрнини босиш бўйича якуний самара 5 миллиард 300 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва ўрни** тобора мустаҳкамланиб бораётганининг ўзи иқтисодиётимизнинг таркибида бўлаётган ижобий ўзгаришлардан далолат беради. Фақатгина ўтган йилнинг ўзида юртимизда 26 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти иш бошлади, ушбу секторда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий сони йил охирига келиб 190 мингтага етди.

Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг қарийб 55,8 фоизи айни шу соҳада ишлаб чиқарилмоқда. Ваҳоланки, 2000 йилда бу кўрсаткич 31 фоиздан иборат эди.

Айни пайтда ишлаб чиқарилаётган жами саноат маҳсулотларининг 23 фоизи, кўрсатилаётган бозор хизматларининг деярли барчаси, маҳсулот экспортининг 18 фоизи, иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлган аҳолининг 75 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келмоқда.

Ана шу рақамлардан кўриниб турибдики, **кичик бизнес шаклан кичик бўлишига қарамасдан, иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришда тобора катта роль ўйнамоқда.**

Иқтисодиётимиз таркибидаги чуқур ўзгаришлар **мамлакатимиз экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш, экспорт ҳажмини барқарор ошириш ва унинг таркибида ижобий ўзгаришларга эришишда** энг муҳим омилга айланди.

Жаҳон бозоридаги конъюнктуранинг беқарорлигига қарамасдан, 2013 йилда экспорт ҳажмининг ўсиши 10,9 фоиздан иборат бўлди. Ташқи савдо фаолиятидаги ижобий сальдо 1 миллиард 300 миллион долларни ташкил этди. 2013 йилда қимматбаҳо металлар нархининг кескин пасайганига қарамасдан, мамлакатимиз олтин-валюта захираси ўтган йил давомида 2 фоизга кўпайди.

Сўнгги йилларда экспорт таркибида рақобатдош тайёр маҳсулотлар улуши барқарор суръатлар билан ўсиб бораётгани яққол кўзга ташланмоқда. 2013 йилда умумий экспорт ҳажмининг 72 фоиздан ортиғи тайёр товарлар ҳиссасига тўғри келгани иқтисодиётимиз диверсификация қилинаётганининг яққол далолати, десам, хато бўлмайди.

Маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирларнинг амалга оширилгани экспорт фаолиятига 450 дан зиёд янги корхонани жалб этиш имконини берди. Бу борада **Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида барча ҳудудларда ўз филиалларига эга бўлган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ташкил этилгани муҳим аҳамият касб этмоқда.**

Ушбу жамғарманинг асосий вазифаси мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспорт қилишда зарур ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатишдан иборатдир. Жамғарманинг ўтган қисқа даврдаги фаолияти давомида 153 та тадбиркорлик субъектига умумий қиймати 56 миллион доллардан зиёд бўлган экспорт шартномаларини тузишда ёрдам кўрсатилди.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Рухсатингиз билан, **мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ўзгаришларга алоҳида тўхталмоқчиман.**

Аввало, қуйидаги рақамларга эътиборингизни қаратмоқчиман. 2013 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2000 йилга нисбатан 2,3 баробар кўпайди. Фақат ўтган йилнинг ўзида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,8 фоизга, жумладан, деҳқончилик — 6,4 фоизга, чорвачилик — 7,4 фоизга ўсди.

Айтиш керакки, изчил юқори ўсиш суръатлари билан бирга, ялпи ички маҳсулотнинг умумий ҳажмида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улушининг камайиш тенденцияси кузатилмоқда. Масалан, 2000 йилда бу борадаги кўрсаткич 30,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда фақатгина 16,8 фоизни ташкил этди.

**Буни авваламбор иқтисодиётимизда амалга оширилаётган чуқур таркибий ўзгаришларнинг, мамлакатимиз бир пайтлардаги аграр республикадан босқичма-босқич равишда саноати ривожланган замонавий давлатга айланиб бораётганининг яққол тасдиғи сифатида қабул қилишимиз даркор.**

Қишлоқ хўжалигининг ўзида кенг кўламли ўзгаришлар ва сифат жиҳатдан янгиланишлар юз бермоқда.

Юртимизда экин майдонларини оптималлаштириш ва қишлоқ хўжалиги экинларини районлаштириш борасида ҳар томонлама пухта ўйланган сиёсат олиб борилаётгани энг муҳим хомашё ва экспортбоп маҳсулот бўлмиш пахта етиштиришнинг нисбатан барқарор ҳажмини сақлаган ҳолда, бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни бир неча баробар кўпайтириш имконини берди. Энг муҳими, халқимизни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлашга замин туғдирди, керак бўлса, уларни чет мамлакатларга экспорт қилишга имкон бермоқда. Хусусан, ғалла етиштириш 2000 йилга нисбатан 2 баробар, картошка — 3,1 марта, сабзавот — 3,2 баробар, узум — 2 марта, гўшт ва сут — 2,1 карра, тухум — 3,4 баробар ошди.

Ўтган 2013 йилда миришкор деҳқон ва фермерларимизнинг фидокорона меҳнати билан мисли кўрилмаган натижаларга эришилди — 7 миллион 800 минг тонна ғалла, 8 миллион 400 минг тонна сабзавот етиштирилди. Мамлакатимизнинг улкан хирмонига 3 миллион 360 минг тоннадан ортиқ пахта хомашёси етказиб берилди.

**Фурсатдан фойдаланиб, бугун мана шу юксак минбардан туриб, ўзининг пешона тери, қадоқ қўллари билан мамлакатимиз бойлигига бойлик қўшаётган, эл-юртимиз фаровонлигини таъминлаётган барча қишлоқ меҳнаткашларига ўз номимдан, халқимиз номидан чуқур миннатдорлик ва ҳурмат-эҳтиром билдиришни ҳам қарз, ҳам фарз, деб ҳисоблайман.**

Қишлоқларимиз ҳаётида юксак натижаларга эришишда, аввало, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг асосий шакли сифатида фермерликни йўлга қўйганимиз ва унинг ривожи учун кенг имкониятлар очиб берганимиз ҳал қилувчи роль ўйнади.

**(Давоми 2-, 3-бетларда).**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

**17 январь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.**

**Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маъруза қилди.**

Давлатимиз раҳбарининг маърузасида жаҳон иқтисодиётининг ўсиш суръатлари секинлашганлигига ва унинг ривожланишида хатарлар кучайганлигига қарамай, замонавий, рақобатбардошли ва диверсификациялаштирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга йўналтирилган, мамлакатда қабул қилинган ислоҳ қилиш ва ривожлантириш стратегияси изчил амалга оширилиши натижасида 2013 йилда иқтисодий ривожланишнинг барқарор юқори суръатлари, макроиқтисодий барқарорликни сақлаш ва иқтисодиётни модернизациялаш таъминланганлиги қайд этилди.

Жаҳонда умумий эътироф этилган ривожланишнинг «ўзбек модели» амалга оширилишида Ўзбекистоннинг ютуқлари ва истиқболлари, жаҳон иқтисодиётининг чуқур ва давомли инқирози шароитларида иқтисодиётни инқирозга қарши бошқариш бўйича кўрилаётган самарали чора-тадбирлар нуфузли иқтисодиётчи олимлар ва халқаро молиявий институтлар томонидан юқори баҳоланаётганлиги алоҳида таъкидланди. Жумладан, 2013 йил сентябрь-октябрь ойларида мамлакатимизга ташриф буюрган Халқаро валюта жамғармаси миссияси бошлиғининг баёнотида глобал иқтисодий вазиятнинг ёмонлашганлигига қарамай, 2013 йилда Ўзбекистонда кучли бюджет ва ташқи позициялар, барқарор банк тизими ва давлат қарзининг паст даражаси барқарор макроиқтисодий натижаларга эришишга кўмаклашаётгани давом этаётганлигини, иқтисодий ривожланиш прогнозлари эса яқин истиқболда ижобийлигини қайд этди.

2013 йил якунлари бўйича ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8 фоизни, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмлари — 8,8 фоизни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми — 6,8 фоизни ташкил этди, қурилиш ишлари ҳажми — 16,6 фоизга, хизматлар ҳажми — 13,5 фоизга, чакана товар айланмаси — 14,8 фоизга ўсди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади ва 6,8 фоизни ташкил этди.

Саноат, ижтимоий, йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш ва технологик жиҳатдан модернизациялаш бўйича фаол инвестиция сиёсати амалга оширилиши асосий капиталга инвестициялар ҳажмининг 11,3 фоизга ўсишини таъминлади. Хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 3 миллиард АҚШ долларидан ошди, уларнинг 72 фоиздан ортиғи тўғридан-тўғри инвестициялардир. Инвестиция дастури доирасида умумий қиймати 2,7 миллиард АҚШ долларига яқин бўлган 150 та ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошириш тугалланди.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, экспорт қилувчиларни рағбатлантириш ва уларнинг рақобатли устунликларини амалга ошириш, жаҳон бозори конъюнктураси ўзгарувчанлигига қарамай, экспорт ҳажмининг 10,9 фоизга ўсишини ва ташқи савдо айланмасининг сезиларли ижобий сальдосини таъминлади.

**(Давоми 4-бетда).**

## БОЛАЛАР СПОРТИ




# Янги мажмуа улкан марраларга замин бўлажак

**Арнасой тумани Жиззах вилоятининг энг чекка ҳудуди. Мирзачўлни ўзлаштиришнинг сўнгги йилларида ташкил топган ушбу туманда бугун барча соҳалар каби спорт ҳам ривожланиб бораётир. Жорий йил бошида арнасойлик ёшлар муносиб совға олишди.**

**Бек НАЗАР**
**«Mahalla»**

Республика болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағи ҳисобидан болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 1 миллиард 751,7 миллион сўмлик реконструкция, қурилиш ишлари якунланиб, бино фойдаланишга топширилди. Унга қўшимча тарзда замонавий спорт зал, бошқа ёрдамчи хоналар қурилгани мавжуд имкониятларни кенгайтирди. Илгари спортнинг беш тури бўйича машғулотлар ўтказилган муассасада эндиликда уларнинг сони саккизтага етди.

— Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга берилаётган ғамхўрликнинг натижасини биз ўзимизнинг мактабимиз мисолида яққол кўрдик, — дейди мактаб директори Равил Давидов. — Бино реконструкцияси имкониятларимизни кенгайтирди. Аввал тўгаракларда 398 нафар бола шуғулланаётган бўлса, ҳозирга келиб ўқувчиларимиз сони 496 нафарга етди. Ёшларнинг спорт билан шуғулланишлари учун барча шароитларнинг яратилиши келажагимизга қўйилаётган мустаҳкам пойдевордир.

> [8]

## АСКАР — МАҲАЛЛА МЕҲМОНИ

# Юракларга жойланган туйғу

**Юрагида Ватан туйғуси жўш урган инсоннинг орзулари ойдин, мақсадлари она-юрти истиқболи билан боғланган бўлади. Яқинда Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 22 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табриги нафақат соҳа ходимлари, балки шу заминда яшаётган ёшу қарининг юрагидан жой олди.**

**З.СОҲИБОВ,**
**Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги «Кат» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**

Табрикда, айниқса, маҳалла фаолларига дахлдор бўлган вазифалар — аҳоли ўртасида ҳарбий ватанпарварлик тарғиботини кучайтиришга оид тавсиялар бу борадаги ишларимизни янада жонлантириш зарурлигини кўрсатди. Давлатимиз раҳбарининг: «Шу муносабат билан таълим муассасалари, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда аҳолининг кенг қатламлари, жумладан, ҳарбий хизматчилар ва Қуролли Кучларимиз фахрийларини жалб этган ҳолда, ҳарбий ватанпарварлик йўналишидаги тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишларни фаоллаштириш, бўлғуси аскарларнинг онгу тафаккурини, юртимиз тарихига оид билимларини ошириш, жисмоний чиниқтириш талаб этилади», деган қатъий таъкидлари, ўғлонларимизнинг чақириққача тайёргарлиги нақадар улкан аҳамиятга эгалигини яна бир бор намоён этди.

> [5]

БОЛАЛАР СПОРТИ

# Янги мажмуа улкан марраларга замин бўлажак



ЎзА сурати.

< [1]

Спорт муассасасига туман марказидаги бешта мактабдан ўқувчилар қатнашмоқда. Бундан ташқари, барча умумтаълим мактабларида спорт мактабининг гуруҳлари ташкил этилган. Машғулотларни 27 нафар тажрибали мураббий олиб бораётир.

Туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига қарашли болалар ва ўсмирлар спорт мактабига ҳудудда жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланадиган ўқувчиларнинг асосий қисми жалб қилинган. Улар сонига нисбатан олганда спорт мактабига қатнайдиганлар кўп эмас, албатта. Бироқ эришилаётган натижалар болалар спортини ривожлантиришда ихтисослашган муассасага берилаётган эътибор ўзини оқлаётганини кўрсатиб турибди.

Ўтган йили самбо, кураш, дзю-до волейбол бўйича ўтказилган вилоят мусобақаларида 23 та биринчи, 6 та иккинчи, 45 та учинчи ўрин қўлга киритилди. Айниқса, самбо, дзю-до мусобақаларида мактаб ўқувчилари яхши натижаларга эришишаётир. Арнасойлик болалар вилоят мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган мусобақаларда самбо бўйича 20 та биринчи, дзю-до бўйича 14 та биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларни олишди.

Кейинги йилларда туманда болалар спортини ривожлантириш борасидаги муҳим ўзгариш спорт билан мунтазам шуғулланаётган қизларнинг кўпайиб бораётганидир. Айни пайтда спорт мактабига 158 нафар қиз аъзо. Олтмиш нафардан зиёди гимнастика машғулотларида қатнашаётир. Ўтган даврда беш нафар қиз вилоят мусобақаларида биринчи ўринни қўлга киритди.

— Ҳудудимизда шаҳардагидан қолишмайдиган болалар спорт иншоотининг барпо этилиши маҳалламиз аҳлини беҳад мамнун қилди, — дейди Ғафур Ғулом номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Фурқат Муҳаммадиев. — Чунки давлатимиз томонидан болаларимиз келажаги учун кўрсатилаётган бундай ғамхўрликдан, аввало, маҳалламиз ўғил-қизлари баҳраманд бўлишмоқда. Айни пайтда болаларни спортга жалб этишда мактаб жамоаси билан яқин ҳамкорликда ишлаяпмиз. Бу эса «Футболимиз келажаги», «Маҳалламиз паҳлавонлари», «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласимиз» каби мусобақаларни ўтказишда яхши самара бераётир.

Ҳа, спорт мактаби янги бинога эга бўлиши фақат мактаб жамоаси эмас, унинг яқинидаги маҳаллаларнинг ҳаётида ҳам муҳим воқеа бўлди. Соғлом бола йилида ёшларни спортга жалб этишда катта мақсадларни режалаштирган фаоллар ушбу иншоотнинг ишга туширилишини қувонч билан қаршиладилар.

Давлатимиз томонидан болалар спортини ривожлантириш дастурининг изчил амалга оширилаётгани туфайли янги-янги иншоотлар қурилиши вилоятнинг барча ҳудудларига хос хусусиятга айланиб қолди. Ўтган йили вилоятда Республика болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан умумий қиймати 14 миллиард 615,7 миллион сўмлик 11 та иншоот барпо этилди. Республика болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил қилингандан буён ҳудудда унинг ҳисобидан қурилган иншоотлар сони 109 тага етди. Эътиборлиси, уларнинг 84 таси ёки 91,5 фоизи қишлоқ жойларда бунёд этилди.

ТЎЙЛАРИМИЗ — ЎЙЛАРИМИЗ

# Маросим ва маъракада меъёр бўлса...



**Халқимизда яхши ниятда айтилган «Топганинг тўйларга буюрсин» деган дуо бор. Ахир, фаровонлик, тўкинлик, шодлик белгиси бўлган тўй яхши-да. Орзуларимизнинг энг улуғи ҳам «тўйлар қилсам...». Азалдан шунақа. Қадриятларимиз, урф-одатларимиз ҳам шу ният билан боғлиқ. Тўй дегани эса, чиқимсиз бўлмайди. Фақат дабдабаси ортиқча.**

Замира РЎЗИЕВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Ҳар даврнинг ўз расм-русуми бўлади. Тўйлар билан боғлиқ урф-одатлар ҳам янгиланиб боради. Аммо бу янгиликлар кўпчиликнинг имконига мос келиши керак. Яъни маросимлар «ким учун тўй, ким учун озорли ўй» бўлиб қолмаслиги лозим.

Президентимиз Ислом Каримов «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида: «Маънавий ҳаётимизни юксалтириш ҳақида гапирганда, маҳалланинг роли ва таъсири хусусида тўхталиш албатта ўринлидир. Маълумки, азалдан ўзбек маҳаллалари чинакам миллий қадриятлар маскани бўлиб келади. Ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож кимсалар ҳолидан хабар олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, тўй-томоша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бирга бўлиш каби халқимизга хос урф-одат ва анъаналар авваламбор маҳалла муҳитида шаклланган ва ривожланган», деб бежиз таъкидламаганлар.

Яқинда Олтинкўл тумани Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси ҳамкорлигида «Тўйларимиз — ўйларимиз» мавзусида давра суҳбати ташкил қилинди. Унда Олтинкўл қишлоғидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, уларнинг маслаҳатчилари, бой ҳаётий тажрибага эга отахон ва онахонлар, имом-хатиблар, отинойи ва дастурхончилар иштирок этдилар.

Мулоқотда «Сарой-2» маҳалласи фаоли Тўланбой ота Ҳасанов сўз олиб, шундай деди:

— Фарзандларимиз — келажагимиз. Уларнинг хоҳиш-истакларини амалга ошириш яхши, албатта. Аммо исрофгарчилик кони зарарлигини ҳам унутмаслигимиз даркор. Бугун қиз узатадиган одамга йигит тараф уйни бўшатиб: «Жиҳозланг», деб турибди. Гилам, кўрпа-тўшак, пардадан тортиб, то чангютгич, музлаткич, телевизоргача келин тарафнинг елкасига юк бўлиб тушяпти. Шахсан мен белида белбоғи бор йигит келиннинг отаси олиб берган ётоқхона тўпламига кўз тикиб, унда ором олиб ухлашини тушунолмайман.

— Бугунга келиб, «кичик маъзар», «катта маъзар» деган одатлар ҳам чиқиб қолди, — деб суҳбатни давом эттирди «Марказ» маҳалласи фаоли Қундузхон Аминова. — Бирида йигирма, иккинчисида қирқ-эллик саватлаб маъзар жўнатиш одатга айланиб боряпти. Уларда турли пишириқлардан ташқари, алоҳида гўшт маҳсулотлари, уч қаватли торт, қиркта тухум, куёв жўралари учун қирқта совға эмиш... Йигитнинг беш-ўн нафар жўраси шунча таомни қандай ейди, тушунмайман?! Қиз туққан, тарбиялаган одамга жазоми бу?! Буларнинг бирортаси ота-боболаримиздан қолган удум эмас. Аксинча, иккинчи тарафнинг бемулоҳазалиги, келин томоннинг «Қизим тинч ўтирса, бахтли бўлса бас», деган истиҳоласи, холос.

— Янги урфлар ҳақида менинг юрагимда бошқа дард бор, — дейди меҳнат фахрийси Одинахон ая Сотволдиева. — Бу — қизимиз фарзандли бўлганида куёвларга бериладиган суюнчи ҳақида. Бир танишимнинг рўзғори шунинг оқибатида бузилиб кетганига етти йил бўлди. Куёв бошқасига уйланиб олди. «Урф-одат шунақа, менинг ўғлим кимдан кам, нега келинимнинг ота-онаси юз доллар суюнчи бермади?» деган гинанинг ортидан бир норасида отасиз ўсяпти. Бунақанги урфнинг баҳридан ўтиш керак эмасми?

— Мен айтмоқчи бўлган гап эса, келин-куёвнинг никоҳдан ўтиш учун қатор-қатор машиналарни кўз-кўз қилиши ҳақида, — дейди «Сарой-1» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Садриддин Қўчқоров. — Урфни қарангки, шу кунда ФҲДЁга бориш маросимида куёвнинг жўралари биттадан автоулов олиб келадиган бўлибди. Майли, барака топишсин, ахир, дўст учун-ку, дерсиз? Лекин улар ўзи олиб келган машинага келиннинг дугоналари орасидан ўзига ёққанини чиқараркан. Бу миллий урф-одатларимизга мутлақо зид ҳолат эмасми?!

Мулоқотда туман бош имом-хатиби Муҳаммадюсуф Тўрақулов ҳам ортиқча «урф-одат»лар тўғрисида ўз фикрини билдирди:

— Мен фаолиятим давомида фуқаролар йиғинларида кўп бўламан. Юқорида айтилган фикрларнинг ҳаммаси халқ ичида бор гаплар. Қўшимча сифатида азанинг учинчи кунидаги бир одат — «Қора ош» маросимини айтай. Ҳозир шундай маросим ҳам урф бўлиб боряпти. Аслида ошнинг қораси бўлмаганидай, динда ҳам, дунёда ҳам бундай бемаъни маросим йўқ. Оламдан ўтган одамнинг руҳига бағишлаб Қуръон тиловат қилиниши маъқул амал. Шу боис бундай хонадонларда хатми Қуръон қилинган. Ҳозиргидай етмиш-саксон одамни чақириб, ош тортиш, уни «қора ош» дейиш ва ўша таомни уй эгасининг ўзи емаслиги каби нарсалар динимиз талабларига зид. Динимиз исрофгарчиликни ҳеч қачон ёқламаган. Ўзимиз турли дабдабаларни ўйлаб топиб, уларни динга боғлаб олишимиз эса нотўғри. Шунинг учун барчамиз бу борада одамларга панд-насиҳат қилишимиз лозим.

Маҳалла фаоллари ва мутахассислар иштирокидаги ушбу давра суҳбати хилма-хил фикрлар, баҳс-мунозараларга бой бўлди. Мулоқот якунида никоҳ ва суннат тўйлари, тўй олдидаги маросимлар, маъракалар ҳақида якдил хулосага келинди: меъёрни бузганларга чоралар кўрилиши лозим. Зеро, кенгашли тўй тарқамас, дейдилар.




## Қурбонлар сони ошмоқда

**73 киши Ироқда содир этилган бир қанча терактнинг қурбонига айланди.**



Боғдодда кун давомида 9 та автомобилга қўйилган бомба ҳаракатга келган. Оқибатда 37 нафар одам ҳалок бўлган. Яна тўрт портлашнинг олди олинган.

Мосул шаҳри ва унинг атрофидаги ҳудудларда бир кеча-кундузда 13 киши, жумладан, тўққиз нафар аскар нобуд бўлди. Мукдадия шаҳрида ғишт заводининг 7 нафар ишчиси ўққа тутилган.

Диял вилоятида террорчи-худкуш мотам маросимида ўзини портлатиб, 16 нафар кишининг умрига зомин бўлди ва 20 кишига жароҳат етказди.

Ўтган йил мамлакатда диний ва сиёсий низолар туфайли олти мингдан зиёд киши ҳаётдан кўз юмган.

## Чиндаги чанг муаммоси

**Пекин шаҳрида тутун, қурум ва чангдан зарарланган ҳаво боис автомобиль йўллари ёпиб қўйилган.**



Хусусан, Шанхай, Харбин, Пингу ва Дацин-Гуанчжоу йўналишидаги йўл ва боғланмаларда ҳаракатланиш тўхтатилган. Чоршанба тунда бошланган зарарланиш секин-аста ортган. Кўчалардаги тутуннинг қалинлигидан осмонўпар бинолар кўринмай қолган.

Ҳавонинг ифлосланиши шаҳарнинг доимий муаммосига айланган. Шу боис маҳаллий ҳукумат автомобиллар ҳаракати ва заводлар фаолиятини чеклаш ёрдамида газ миқдорини қисқартирмоқда.

## Кўргазмада 800 автомобиль

**Япония пойтахти яқинидаги Тиба шаҳрида «Tokyo Auto Salon — 2014» кўргазмаси очилди.**



Уч кунлик тадбирда дунёнинг турли мамлакатларидан 400 дан зиёд компания ўз маҳсулотлари билан иштирок этади. Бу ерга ташриф буюрувчилар кўргазмадан ўрин олган 800 та автомобилни баҳолаш имконига эга бўладилар.

Икки йилда бир марта ўтадиган «Tokyo Motor Show»дан фарқли равишда, «Tokyo Auto Salon»да япон автомобиль саноати намуналаригина тақдим этиб қолинмай, дунё автомобиль ишлаб чиқарувчиларининг қўлга киритган янгиликлари ҳам намойиш қилинади.

**Интернет материаллари асосида Ф.КОМРОН тайёрлади.**

ФИДОЙИЛАРИМИЗ

# Ёшга ўрнак, кўпга ибрат бўлган раис

**Соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда, спортни оммалаштиришда, айниқса, миллий курашимиз бардавомлигини таъминлаш ва ёшлар ўртасида уни янада ривожлантиришда маҳалла раислари ўрнак бўлаётгани барчамизни қувонтиради, албатта.**



Фарҳод ЭСОНОВ
«Mahalla»

Сўлим Бойсун туманидаги «Хўжабулғон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хурсанд Ғаниев ана шундай фидойи инсонлардан. 56 ёшни қаршилаган Хурсанд акани «спортчи раис», дея аташади. Боиси у ёшлигидан курашга ошно тутинди. Тўйларда майдонга тушди, мусобақаларда қатнашди. Афсуски, унинг ёшлиги миллий қадриятларимиз топталган вақтларга тўғри келди. Аммо ушалмаган орзуларига ўғиллари — Мамараҳим, Бойбўри, Бахтиёр, Баҳодир, Ботир орқали эришмоқда. Улар ҳам худди отаси каби полвон бўлиб вояга етишди. Баҳодирдаги спортга иштиёқнинг кучлилигини сезган отаси уни пойтахтимиздаги Республика олимпия захиралари коллежига етаклаб келди. Натижада ўғил дастлаб мамлакат чемпиони бўлди. 2008 йилда эса Туркиянинг Истанбул шаҳрида кураш бўйича ёшлар ўртасидаги V жаҳон чемпионатида 81 кг. вазнда олтин медални қўлга киритди.

Хурсанд ака миллий анъаналаримизни тўйлар орқали ҳам асрашга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Айниқса, ҳудуддаги ҳар бир тўйчи билан алоҳида суҳбатлашади. Режалари билан ўртоқлашади. Борди-ю, тўйдаги ортиқча дабдабабозликни сезса, сарфланадиган харажатнинг учдан бири кетадиган кураш мусобақасини уюштиришга ундайди. Бунда ўзи бош бўлиб, даврада баковуллик қилади.

Мана, 15 йилдирки, Хурсанд Ғаниев фуқаролар йиғини раиси. Халқ ишончини қозониб келаётганининг бош омили ундаги ёшларга хос шижоат ва адолатпарварлик. Чунки у кунни эрта тонгдан бадантарбия билан бошлайди. Спорт кийимида қишлоқ оралаб югуради. Тош кўтаради. Баъзиларнинг «шу ёшда ҳам тинчимайсиз-да», деган сўзига «ёнимга қўшил, фарзандингни уйғот», дея оддийгина жавоб қайтаради.

ҲАЁТ МАНЗАРАЛАРИ

# Тундаликлар

*«Муз ўчиб қолди!» деди бола сувда эриб кетган муз парчасини кўриб.*

***

*Ёзувчи ёлғонни тўқийди-ю, ҳақиқатни ёзади.*

***

*Қалам сўзнинг соясини чизади.*

***

*Бойликни бойлик қилган — ўзимиз. Агар унга бунчалик сиғинмасак, у бир тийинга арзимас эди.*

***

*Авваллари яшаш учун ёздим, энди ёзиш учун яшамоқдаман.*

***

*Кимнингдир ёзганига офарин, кимнингдир ёзмагани учун раҳмат.*

***

*Одамлар сени билмаса ҳам, сен одамларни бил.*

***

*Қариликдан қўрқма, унга ҳали етиш керак.*

**Асқад МУХТОР.**

ҚИССАДАН ҲИССА

# Дангасалик панд беради

**Қисса:** Бир қишлоқдан Буюк ипак йўли ўтган эди. Қишлоқ аҳли тижорат орқали Хитою Туркистон, Марву Мисргача бориб, савдо-сотиқ билан шуғулланиб, жуда фаровон яшар экан. Аммо бир дангаса одам шу қишлоқда камбағал, жуда ночор ҳаёт кечираркан. Унга одамлар, сен ҳам савдогарлик қил, деб ҳаммалари оз-оздан пул йиғиб, туя олиб беришибди. Тужжорлар уни ўзлари билан сафарга олиб чиқибдилар. Бир овулга етганларида катта қопағон ит карвонга ташланибди. Камбағал эса, азбаройи ялқовлигидан туясининг устида ҳам тўнининг этакларини йиғиштириб олмаган экан. Ит айнан шу одамнинг этакларидан тортиб, тишлабди. «Камбағални туянинг устида ҳам ит қопади», деган мақолнинг келиб чиқишига ана шу воқеа сабаб дейишади.

**Ҳисса:** ***бу мақол камбағаллик омадсизлик эмас, аксинча, ялқовлик, дангасалик, ҳафсаласизлик белгиси эканини билдиради.***

# Орзуга айб йўқ, аммо...

**Қисса:** Тоғу тошда яшайдиган бир киши бошқа ҳамроҳидан қулупнай(ер тут)нинг таърифини эшитиб қолди. Бу киши ушбу меванинг аломатларини сўраб олди ва ҳар куни «ўзи қизил, банди кўк» деб такрорлаб, қулупнай ейиш орзусида яшай бошлади. Фурсати келиб, у тоғдан одамлар ёнига тушибди ва бир қанча қалампир сотиб олиб, тоққа қайтибди. Кейин беҳуда иштаҳа билан қалампирларни ея бошлади. Шунча пул сарфлаб, аччиқ нарса сотиб олганига ўзини койиса-да, бу неъматни еб тугатаман, деб беҳуда уринибди. Натижада лаблари қизариб, юзи кўкариб кетибди. Шу воқеадан «Пули куйган ғофил аччиқ қалампир чайнабди», деган мақол келиб чиққан экан.

**Ҳисса:** ***баъзи кишилардаги орзулар жуда бемаъни бўлади. Бундайлар ўша кўзлаган орзуларига етгач, адашганларини тушуниб етадилар.***

**Шукур ЖАББОР.**

Mahalla
ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета
Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.
Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Телефонлар:
Қабулхона: 233-39-89, Котибият: 233-44-25, Фуқаролик жамияти институтлари билан ишлаш бўлими: 199-84-32, Иқтисодиёт ва ҳуқуқ бўлими: 199-83-46, Маънавият ва спорт бўлими: 199-84-23, Факс: 233-10-73
ISSN 2010-7013
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Л.Мейликов
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: Т.Низомов
Нашр навбатчиси: Ф.Эсонов
Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Индекс: 100083
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Нашр кўрсаткичи: 148
24060 нусхада чоп этилди. Буюртма J-8980
Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 21.00

# 2014 ЙИЛ ЮҚОРИ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИ БИЛАН РИВОЖЛАНИШ, БАРЧА МАВЖУД ИМКОНИЯТЛАРНИ САФАРБАР ЭТИШ, ЎЗИНИ ОҚЛАГАН ИСЛОҲОТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ ЙИЛИ БЎЛАДИ

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Бугунги фермер хўжаликлари самарали фаолият юритиш учун ўз ихтиёрида ижара асосидаги етарлича экин майдонларига эга бўлган, юксак самарали замонавий техника билан таъминланган, илғор технологияларни пухта эгаллаган йирик хўжаликлардир. **Мухтасар айтганда, улар қишлоқларимизнинг таянч устунидир.**

Кўп тармоқли фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан бирга, уларни чуқур қайта ишлаш, қурилиш ишларини амалга ошириш ва қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш каби йўналишларда самарали фаолият кўрсатмоқда ва ўз истиқболини топмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда бундай фермер хўжаликларининг сони 18 мингдан зиёдни ташкил этмоқда.

Юртимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг келажаги ҳақида гапирганда, ер ва сув ресурслари бўйича имкониятларимиз чекланганини ҳисобга олиб, бу борада ягона тўғри йўл — қишлоқ хўжалигини интенсив асосда ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш, селекция ишларини чуқурлаштириш, юксак самарали замонавий агротехнологияларни жорий этиш ва сувдан оқилона фойдаланиш, энг муҳими — деҳқон ва фермерларнинг дарди билан яшаш, десам, ўйлайманки, барчангиз менинг фикримга қўшиласиз.

Фақат ерга меҳр, унинг унумдорлигини ошириш ва биринчи навбатда деҳқон ва фермерга доимий эътибор, уларнинг манфаати ҳақида ғамхўрлик қилиш — бу қишлоқни ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш бўйича биз танлаган йўлдир.

2008 йилдан бошлаб мамлакатимизда қарийб 1 миллион 500 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, ер ости сувлари юқори бўлган майдонлар 415 минг гектарга ёки салкам 10 фоизга қисқарди, кучли ва ўртача шўрланган майдонлар 113 минг гектарга камайди.

Хабарингиз бор, ўтган йили 2013-2017 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича комплекс чора-тадбирлар давлат дастурини қабул қилдик. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, барча манфаатдор идоралар, Фермерлар кенгаши ва авваламбор фермер хўжаликларининг ўзи ушбу дастурда кўзда тутилган чора-тадбирларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаши даркор. Вазирлар Маҳкамаси мазкур дастур ижроси устидан тизимли назорат ўрнатсин.

**Иқтисодиётимизни барқарор ривожлантиришда хизмат кўрсатиш соҳаси тобора катта роль ўйнамоқда.** Биз ўтган йилнинг бошида 2013-2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар дастурини тасдиқладик. 2013 йилда хизмат кўрсатиш бўйича 13 мингдан ортиқ корхона, жумладан, савдо-маиший комплекслар, минибанклар ва суғурта компаниялари филиаллари ва бошқа корхоналар ташкил этилди.

2013 йил якунларига кўра, кўрсатилган хизматлар ҳажми 13,5 фоизга, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши эса 2000 йилдаги 37 фоиздан 53 фоизга ўсди.

Бу рақам ва кўрсаткичлар мамлакатимиз хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда тараққий топган кўпгина давлатлар даражасига тобора яқинлашиб боряпти, деб айтишга асос беради.

**Ўтган йили банк тизимини ривожлантириш ва ислоҳ этиш масаласи ҳам эътиборимиз марказида бўлди.** Банкларнинг ресурс базаси кенгайиб, мустаҳкамланмоқда, улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифати яхшиланмоқда. 2013 йилда иқтисодиётнинг реал секторига ажратилган кредитларнинг ялпи ҳажми 30 фоизга ошди.

Ўтган йили тижорат банкларининг жами капитали 25 фоизга, 2000 йилга нисбатан эса 46 баробардан зиёд кўпайди. Натижада бугунги кунда банкларимиз капиталининг етарлилик даражаси 24,3 фоизни ташкил этмоқда, бу эса банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан 8 фоиз этиб белгиланган талабдан уч баробар кўпдир.

Банк тизимининг ликвидлиги 65 фоиздан зиёд бўлиб, бу жаҳон амалиётида умумий тарзда қабул қилинган, «юқори» деб аталадиган кўрсаткичдан 2,2 баробар ортиқдир. Кредит портфели жами маблағларининг 80 фоизга яқини ички манбалар улушига тўғри келмоқда.

Айниқса, банк хизматларидан фойдаланиш даражасини алоҳида эътироф этиш ўринлидир. Масалан, юртимизда ҳар юз минг катта ёшдаги аҳолига 49,7 та банк муассасаси тўғри келаётгани, ҳар минг киши номига 1 минг 28 та банк ҳисобрақами очилгани халқаро нормалар бўйича «юқори» деган баҳо кўрсаткичига мос келади.

Шу ўринда мамлакатимиздаги деярли барча тижорат банклари етакчи халқаро рейтинг агентликлари томонидан бериладиган «барқарор» рейтинг даражасини олишга эришганини мамнуният билан қайд этишни истардим. Ва шу фурсатдан фойдаланиб, бугунги мураккаб бир замонда айни шу ютуқларни қўлга киритишда хизмат қилган мутасаддиларга миннатдорлик билдираман.

Хурматли дўстлар!

Биз оддий бир ҳақиқатни доимо эсда тутишимиз даркор. Яъни, сармоясиз тараққиёт йўқ, ишлаб чиқаришни ва умуман, мамлакатимизни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни инвестицияларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

2013 йилда Инвестиция дастурини амалга ошириш доирасида мамлакатимизда 13 миллиард доллар қийматидаги капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, бу 2012 йилга нисбатан 11,3 фоизга кўпдир. Ўзлаштирилган капитал қўйилмалар умумий ҳажмининг деярли ярмини, яъни 47 фоизини хусусий инвестициялар — корхоналар ва аҳолининг шахсий маблағлари ташкил этгани алоҳида эътиборга лойиқдир.

Жалб этилаётган инвестицияларнинг асосий қисми — 70 фоиздан ортиғи, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш объектларини қуришга йўналтирилди, энг янги замонавий ускуналар харид қилишга сарфланган инвестициялар улуши эса қарийб 40 фоизни ташкил этди.

Умуман олганда, мамлакатимиз иқтисодиётига инвестиция киритиш ҳажми ялпи ички маҳсулотга нисбатан 23 фоиздан иборат бўлди.

Ўзлаштирилган умумий капитал қўйилмалар ҳажмининг 3 миллиард доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди. Шунинг 72 фоиздан зиёди ёки 2 миллиард 200 миллион доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Ўйлайманки, ҳаммамиз яхши англаб олганмиз: агар ўзимиз ҳаракат қилмасак, четдан сармоя ва инвестицияларнинг мамлакатимизга, ўлкамизга кириб келиши учун қулай шароит ва имтиёзлар ташкил этмасак, керак бўлса, айни шу йўналишда астойдил, бутун вужудимиз билан ишламасак, бундай рақамларни тушимизда ҳам кўрмасдик. Бу — аниқ гап.

Мамлакатимизда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг ташкил этилгани чет эл инвестицияларини жалб этишда кўп жиҳатдан муҳим аҳамият касб этмоқда, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди. Жамғарманинг асосий вазифаси иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари ва йўл-коммуникация соҳасидаги стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини хорижий шериклар билан ҳамкорликда молиялашда фаол иштирок этишдан иборат экани, ўйлайманки, сизларга яхши маълум.

Жамғарма фаолият бошлаганидан буён ўтган қисқа вақт мобайнида 15 миллиард доллардан зиёд миқдордаги активларга эга бўлган қудратли молия институтига айланди.

Жамғарма ўз маблағлари билан умумий қиймати 29 миллиард доллардан зиёд 86 та стратегик аҳамиятга молик инвестиция лойиҳасини ҳамкорликда молиялаштиришда иштирок этмоқда. Фақат 2013 йилнинг ўзида Жамғарма маблағлари иштирокида қиймати 780 миллион доллардан ортиқ бўлган 33 та ўта муҳим лойиҳа амалга оширилди.

2013 йилда Инвестиция дастури доирасида молиялашнинг барча манбалари ҳисобидан умумий қиймати қарийб 2 миллиард 700 миллион доллардан иборат бўлган 150 та ишлаб чиқариш йўналишидаги лойиҳани амалга ошириш ишлари ниҳоясига етказилди. Булар қаторида Тошкент иссиқлик электр марказида когенерацион газ турбинали технологияни жорий этиш; Жанубий Ўртабулоқ — Муборак газни қайта ишлаш заводи газ қувурини ва компрессор станциясини барпо этиш орқали Сомонтепа ва Жанубий Ўртабулоқ конларини тўлиқ жиҳозлаш; «Ангрен» конини модернизация қилиш орқали Янги Ангрен иссиқлик электр станциясининг 1-5-энергия блокларини йил давомида кўмир билан ишлашга ўтказиш; «Ангрен» махсус индустриал зонаси ҳудудида «Оҳангарон» подстанциясини реконструкция қилиш, «Бекобод цемент» очиқ акциядорлик жамиятида янги линия қуриш ҳисобидан фаолият кўрсатаётган цемент ишлаб чиқариш жараёнини модернизация қилиш, «Қуюв-механика заводи» шўъба корхонасида металл қуйишни реконструкция қилиш ва бошқа йирик лойиҳалар борлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Шу билан бирга, Тошкент ва Наманган вилоятларида замонавий тўқимачилик комплекслари, Жиззах ва Хоразм вилоятларида йигирув ва тўқув, Самарқанд вилоятида спорт пойабзаллари ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилди. Озиқ-овқат саноати бўйича 21 та корхонада ишлаб чиқариш модернизация қилинди ва техник қайта жиҳозланди.

Маълумки, биз мамлакатимиздаги ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш ва янгилаш, замонавий инновацияларга асосланган ва юксак самарали технологияларни жорий этиш бўйича ўз олдимизга катта мақсадлар қўйганмиз. Уларни амалга оширишда керакли имтиёзларга эга бўлган махсус индустриал зоналарни ташкил этиш йўлида охирги йилларда биз кўпгина тажрибаларга эга бўлмоқдамиз.

Бунинг амалий тасдиғини «Навоий» ва «Ангрен» махсус индустриал зоналари фаолияти мисолида кўриш мумкин.

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ташкил этилганидан буён унинг ҳудудида умумий қиймати 100 миллион доллардан зиёд бўлган 19 та инвестиция лойиҳаси бўйича ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилди. Жумладан, юксак технологиялар асосида модем ва телевизорлар учун приставкалар, электр энергияни электрон ҳисоблагичлар, юқори кучланишга чидамли кабеллар, иссиқлик ва сув иситиш қозонлари, мобиль ва стационар телефон аппаратлари, тайёр дори воситалари ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

2013 йилда махсус зонадаги корхоналар томонидан қиймати 100 миллиард сўмдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди ва бу борадаги ўсиш суръати 2012 йилга нисбатан 25,8 фоизни ташкил этди.

«Ангрен» махсус индустриал зонаси ҳудудида қисқа муддатда умумий қиймати қарийб 44 миллион доллар бўлган 5 та лойиҳа асосида энергияни тежайдиган диодли ёруғлик лампалар, турли каталикдаги мис қувурлар, кўмир брикетлари каби юксак технологиялар асосидаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, шакар ишлаб чиқариш бўйича янги завод ва бошқа корхоналар ташкил этилди.

Айни шу йўналишда тўпланган тажрибани ҳисобга олиб, ўтган йилнинг март ойида Жиззах вилоятида «Жиззах» махсус индустриал зонаси ташкил этилгани сизларга яхши маълум. Сирдарё вилоятида бу зонанинг филиали фаолият кўрсатиши кўзда тутилган.

Бугунги кунда «Жиззах» махсус индустриал зонаси ҳудудида транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда.

Ўтган йилнинг ўзида мазкур зона ҳудудида Хитой компаниялари иштирокида 100 минг дона мобиль телефон ишлаб чиқариш, шунингдек, чорва маҳсулотларини қайта ишлаш ва озуқа тайёрлаш бўйича умумий қиймати қарийб 6 миллион доллар бўлган дастлабки 3 та лойиҳа амалга оширилди.

2013 йилда **йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларини** қуриш ва реконструкция қилиш ишлари юқори суръатлар билан олиб борилди.

Ўзбекистон миллий автомагистрали таркибига кирадиган автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари изчил давом эттирилди. Масалан, умумий фойдаланишдаги 530 километрлик автомобиль йўли қурилиб, реконструкция қилинди. Тўрт қаторли Ғузор—Бухоро—Нукус—Бейнов автомобиль йўлининг 141 километрлик тармоғини цемент-бетон билан қоплаш, тўрт қаторли Тошкент-Ўш автомобиль йўлининг Қамчиқ довони орқали ўтадиган 18 километрлик қисмида асфальт-бетон ётқизиш ишлари амалга оширилди, ана шу йўлнинг Қўқон шаҳрини айланиб ўтадиган 15 километрлик тармоғи, шунингдек, Тошкент айланма йўлининг янги йўналиши барпо этилди ҳамда Бухоро шаҳридаги ҳалқа йўлда йўл ўтказгич қурилиши якунига етказилди.

Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш учун ўтган йили Республика йўл жамғармаси ва халқаро молия институтларининг 565 миллион доллар қийматидаги маблағлари жалб этилди.

2013 йилда темир йўл транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш бўйича ишлар жадал олиб борилди. Йил давомида ушбу мақсадлар учун 477 миллион доллар қийматидаги капитал қўйилмалар йўналтирилди. Бу, ўз навбатида, 240 километрлик темир йўл тармоқларини модернизация қилиш, ўз кучимиз билан 550 та юк ва 30 та йўловчи ташийдиган вагон ишлаб чиқариш имконини берди.

Ўтган йили мамлакатимиз жанубий вилоятларининг иқтисодий салоҳиятини янада оширишда катта аҳамият касб этадиган Мароқанд—Қарши ва Қарши—Термиз темир йўл участкаларини электрлаштириш ишлари фаол олиб борилди.

2013 йилда хитойлик шерикларимиз билан ҳамкорликда транспорт коммуникацияси соҳасида мамлакатимиз учун улкан стратегик аҳамиятга эга бўладиган яна бир йирик лойиҳани амалга оширишни бошладик. Бу ўринда сўз Ангрен—Поп йўналишида электрлаштирилган янги темир йўлни ва 19 километрлик темир йўл тоннелини қуришни кўзда тутадиган лойиҳа ҳақида бормоқда.

Бу тоннель Ўзбекистоннинг марказий қисмини Фарғона водийси вилоятлари билан ишончли боғлаш, мамлакатимиз ҳудудида ягона темир йўл транспорт тизимини шакллантириш бўйича ишларни якунига етказишда муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, у Европа қитъасини Осиё билан боғлайдиган трансмиллий транспорт йўлагининг муҳим бўғини бўлиб хизмат қилади.

Ўтган йили иқтисодиётнинг барча тармоқларига ва кундалик ҳаётимизга **ахборот-коммуникация технологияларини** кенг жорий этиш масаласига ўта муҳим эътибор қаратилди. Хусусан, «Шаҳарлараро коммутация марказларини янги авлод тармоқ технологиялари асосида модернизация қилиш ва кенгайтириш» (NGN), «FTTх технологияси бўйича кенг қамровли форматда фойдаланиш имконини берадиган оптик тармоқларни ривожлантириш», «Ўзбекистон Республикаси минтақаларида EVDO технологияларини жорий этиш орқали CDMA-450 мобиль тармоғини ривожлантириш» каби ва бошқа йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш эътиборимиз марказида бўлди.

Ушбу лойиҳаларнинг самарали ниҳоясига етказилиши дунёнинг замонавий алоқа ва ахборот воситалари юқори даражада ривожланган мамлакатлари қаторига қўшилиш, ишбилармонлик соҳасидаги алоқаларни кенгайтириш бўйича қўшимча имкониятлар яратади.

Мамлакатимиз аҳолисининг 45 фоиздан зиёдини рақамли телевидение билан қамраб олишни кўзда тутадиган 5 та рақамли телевизион узатгични Жиззах, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларида ўрнатиш ишлари амалга оширилмоқда.

Маълумот узатиш, статистика, молия ва солиқ ҳисоботларининг электрон шакли ва тармоқлари ҳаётимизга изчил ва тизимли асосда жорий этилмоқда. Бугунги кунда тадбиркорлик субъектларининг 89 фоиздан ортиғи солиқ ҳисоботларини, қарийб 86 фоизи статистик ҳисоботларни электрон шаклда топширмоқда.

2011 йилда биржада савдо иштирокчиларининг юқори даражадаги рақобатини ва тенг иштирокини таъминлайдиган, электрон савдо шаклида амалга ошириладиган замонавий давлат харидлари тизими жорий этилгани ҳар томонлама эътиборга ва қўллаб-қувватлашга лойиқдир.

2013 йилда электрон савдолардаги давлат харидлари ҳажми 417 миллиард сўмни ташкил этди ва савдо якунлари бўйича 83 миллиард сўмлик бюджет маблағлари тежаб қолинди. Бунда давлат харидлари доирасида сотувга қўйилган товар ва хизматларнинг 83 фоиздан зиёди кичик бизнес субъектлари томонидан амалга оширилганини алоҳида қайд этиш керак.

Бундан ташқари, товар ва хизматлар учун тўловларни, банкдаги ҳисобрақамлари ва пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда, Интернет тармоғи ва мобиль телефон орқали, аҳолидан қўшимча воситачилик ҳақини олмасдан амалга ошириш тизими жорий этилди.

Айни вақтда буларнинг барчаси замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш бўйича келгуси йилларда амалга оширишимиз зарур бўлган кенг кўламли чора-тадбирлар тизимидаги дастлабки қадамлар бўлиб, бу ишларни изчил давом эттиришимиз лозим.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Ўтган йили аҳолининг ижтимоий фаровонлигини таъминлаш ва социал соҳани ривожлантириш масалалари фаолиятимизда ҳал қилувчи ўрин эгаллади.

**Янги иш ўринлари ташкил этиш, бандликни таъминлаш ва аҳоли даромадларини ошириш** масалалари доимо эътиборимиз марказида бўлиб қолмоқда.

Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича минтақавий дастурларнинг амалга оширилиши натижасида 2013 йилда қарийб 970 минг киши иш билан таъминланди. Бу иш ўринларининг 60,3 фоиздан ортиғи қишлоқ жойларда яратилди. Бу борада кичик корхоналар, микрофирмалар ва якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш эвазига 480 мингдан ортиқ, касаначиликни кенгайтириш ҳисобидан эса 210 мингдан зиёд иш ўрни ташкил этилди.

Ўтган йили биз учун энг устувор вазифа бўлмиш касб-ҳунар коллежларининг 500 минг нафардан ортиқ битирувчиси иш билан таъминланди ва айтиш жоизки, бунинг аҳамиятини баҳолашнинг ўзи қийин. Ўз хусусий ишини очиб, бизнес билан шуғулланишга қарор қилган коллеж битирувчиларига 140 миллиард сўмдан зиёд имтиёзли микрокредитлар ажратилди.

Мамлакатимизда ижтимоий соҳани ислоҳ этиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тизимида қишлоқ аҳоли пунктларининг қиёфасини тубдан ўзгартириш, намунавий лойиҳалар асосида янги уй-жойлар қуриш, қишлоқда моҳият эътибори билан янги инфратузилмани шакллантириш ҳисобидан қишлоқ аҳлининг ҳаётини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

2009 йилдан бошлаб мамлакатимизнинг 159 та қишлоқ туманида намунавий лойиҳалар асосида 900 дан ортиқ янги уй-жой массивлари барпо этилди, умумий майдони 4 миллион 500 минг квадрат метр бўлган 33 минг 500 дан зиёд якка тартибдаги уй-жой фойдаланишга топширилди. 732 километр асфальт қилинган автомобиль йўллари, мингдан ортиқ ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектлари барпо этилди.

2013 йилда қишлоқ жойлардаги 353 та массивда умумий майдони 1 миллион 500 минг квадрат метр бўлган 10 мингта шинам уй-жойлар барпо этилди, бу кўрсаткич 2012 йилга нисбатан 17 фоизга кўпдир. Ушбу мақсадлар учун қарийб 650 миллион доллар қийматидаги маблағ йўналтирилди. Бунинг 106 миллион доллари Осиё тараққиёт банкининг кредит маблағларидир.

Қишлоқларимизни обод қилиш, қишлоқ аҳолисининг турар-жой шароитларини яхшилаш бўйича бизнинг бундай тажрибамиз халқаро ҳамжамиятда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ўтган йил апрель ойида Тошкент шаҳрида замонавий уй-жой қурилиши мавзусида ўтказилган халқаро конференцияда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари уюшмаси (АСЕАН), ЮНЕСКО ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари, дунёнинг 60 дан зиёд мамлакатидан 300 дан ортиқ олим, мутахассис ва экспертлар иштирок этгани бунинг ёрқин исботидир.

Қадрли дўстлар!

2013 йилда **таълим-тарбия соҳасида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш,** таълим стандартлари ва дастурларини такомиллаштириш, мактаблар, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш масалаларига катта эътибор берилди.

Ўтган йили 28 та янги касб-ҳунар коллежи қурилди, 381 та умумтаълим мактаби, олий ўқув юртлари тизимидаги 45 та объект, 131 та касб-ҳунар коллежи ва лицейлар реконструкция қилинди ва капитал таъмирланди. Шунингдек, 55 та болалар мусиқа ва санъат мактаби, 112 та болалар спорти объекти ва 4 та сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилиб, уларнинг барчаси зарур ускуна ва инвентарлар билан жиҳозланди.

2013 йилда таълим-тарбия тизимини ислоҳ этиш борасида амалга оширилган кенг кўламли чора-тадбирлар ҳақида сўз борар экан, ўсиб келаётган ёш авлоднинг хорижий тилларни ўзлаштириш даражасини оширишга қаратилган ишларни алоҳида қайд этмоқчиман. Жаҳонда интеграция жараёнлари кучайиб, кундалик ҳаётга компьютер технологиялари ва Интернет кенг жорий этилаётган бугунги шароитда чет тилларни пухта билмасдан ва эгалламасдан туриб келажакни қуриб бўлмаслигини барчамиз яхши англаб олмоқдамиз.

Шуларни инобатга олиб, биз ўтган ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактабларининг биринчи синфидан чет тилларни ўргатишнинг узлуксиз тизимини жорий этдик.

Барча умумтаълим муассасаларида чет тилларни ўргатиш бўйича 17 мингдан ортиқ ўқув хоналари ташкил этилди. 1-синф ўқувчилари учун чет тиллар бўйича мультимедиа варианти илова қилинган, 538 мингдан зиёд рангли дарслик чоп этилди. 2 минг нафарга яқин чет тили ўқитувчиси тайёрланди ва уларнинг умумий сони 26 минг кишига етди.

Мамлакатимизнинг барча минтақаларида чет тилларни бир хил шароитда ўқитиш, қишлоқ жойларга юқори малакали инглиз тили ўқитувчиларини жалб этиш мақсадида, тариф ставкаларига 30 фоиз қўшимча ҳақ белгиланган ҳолда, уларни моддий рағбатлантириш тизими жорий этилди. Телевидениеда чет тилларни ўргатиш бўйича қизиқарли ўйинлар дастурига эга бўлган махсус болалар маърифий каналлари ташкил қилинди.

2013 йилда тиббиёт-санитария соҳасида биринчи ёрдам кўрсатиш оилавий тиббиёт принципи асосида ишлаш шаклига ўтказилди. Бу эса юртимизда **соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ этишни янада чуқурлаштириш** бўйича жорий этилаётган чора-тадбирлар тизимида муҳим қадам бўлди. Бундай ўзгариш қишлоқ жойларда, айниқса, чекка туманларда яшаётган 14 миллион 600 минг нафар аҳолига малакали тиббий ёрдамдан фойдаланиш имконини берди.

Туғиш ёшидаги аёллар, шунингдек, болалар ва ўсмирларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўлиқ таъминланди. 2011-2013 йилларда 535 минг нафар ҳомиладор аёл ирсий ва туғма касалликлар бўйича текширувдан ўтказилди.

Бу 2013 йилда қарийб 2,7 минг боланинг туғма хасталиклар ва ривожланишдаги нуқсонлар билан туғилишининг олдини олиш имконини берди. Мухтасар айтганда, «Она ва бола скрининги» дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида ривожланишда нуқсони бор болаларнинг туғилиши 2000 йилга нисбатан 1,8 марта камайди.

Аҳолининг овқатланишини яхшилаш, ун ва тузни зарур микроэлементлар билан тўйинтириш, оналар ва болаларни витаминга бой дори-дармонлар билан таъминлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли бугунги кунда болаларимизнинг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига мос келади ва ҳеч шубҳасиз, бу биз эришган катта ютуқлардан биридир.

Фақатгина 2013 йилнинг ўзида соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтирилган инвестициялар ҳажми 2010 йилга нисбатан 3,8 баробар ошди. Бунинг натижасида 295 та тиббиёт объекти реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларини жиҳозлаш даражаси 1,8 баробар ортди ва 91,7 фоизга етди, жумладан, юқори технологияларга асосланган ускуналар билан жиҳозлаш даражаси 82,6 фоизни ташкил этмоқда.

Шу билан бирга, ҳозирги вақтда қишлоқ врачлик пунктларининг фаолияти, айниқса, касалликларни эрта аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича замонавий талабларга тўла жавоб бермаслигини қайд этиш даркор. Қишлоқ врачлик пунктларини ялпи текшириш натижалари буни яна бир бор кўрсатди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги билан ҳамкорликда қисқа муддатда қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятида зарур тартиб ўрнатиш, тажриба тариқасида бир қатор туманларда патронаж ҳамшираларининг фаолият самарадорлигини кучайтириш бўйича тегишли рағбатлантириш чора-тадбирларини амалга ошириши зарур.

**(Давоми 3-бетда).**

Mahalla
ШАНБА
2014 йил 18 январь,
№6-7 (973-974)



# 2014 ЙИЛ ЮҚОРИ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИ БИЛАН РИВОЖЛАНИШ, БАРЧА МАВЖУД ИМКОНИЯТЛАРНИ САФАРБАР ЭТИШ, ЎЗИНИ ОҚЛАГАН ИСЛОҲОТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ ЙИЛИ БЎЛАДИ

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси

**(Давоми. Боши 1-2-бетларда).**

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда амалга ошираётган ижтимоий сиёсатимизнинг аҳолимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтиришдаги таъсири ва натижалари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишни зарур деб биламан.

2013 йилда халқимизнинг реал даромадлари 16 фоизга ошди, ўртача ойлик иш ҳақи, пенсия, ижтимоий нафақа ва стипендиялар 20,8 фоизга кўпайди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда пенсияларнинг ўртача миқдори ўртача иш ҳақига нисбатан 37,5 фоизни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич Россияда 25,7 фоиздан, Марказий Осиё мамлакатларида эса 23-28 фоиздан иборатдир. Жорий 2014 йилда мамлакатимизда бу кўрсаткични 41 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда.

Оилалар даромадлари таркиби ўзгармоқда — тадбиркорликдан олинаётган даромадлар аҳоли ялпи даромадларининг ярмидан зиёдини ташкил этмоқда. Ҳолбуки, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида бу кўрсаткич ўртача 20-25 фоиздан ошмайди.

Энг муҳим жиҳати шундаки, Ўзбекистонда энг паст ва энг юқори даромад оладиган аҳоли гуруҳлари ўртасидаги тафовут даражаси сўнгги йилларда 8 баробарга тўғри келмоқда. Кўпгина, шу жумладан, қўшни давлатларда бу рақам мамлакатимиздаги кўрсаткичдан бир неча баробар юқори экани, яъни ўта камбағал ва ночор аҳоли гуруҳлари ва ўта бойлар гуруҳи орасидаги тафовут ошиб бораётганини таъкидлаш лозим.

2013 йилда 2000 йилга нисбатан аҳолимизнинг истеъмол харажатлари 9,5 баробар ошганининг ўзи кўп нарсадан далолат беради.

Сўнгги йилларда жон бошига тўғри келадиган энг муҳим озиқ-овқат товарлари бўйича истеъмол ҳажми муттасил ўсиб бормоқда, айни вақтда ноозиқ-овқат маҳсулотларни харид қилиш ва хизматлар учун тўланадиган сарф-харажатлар миқдори ҳам сезиларли равишда кўпаймоқда. Мисол учун, мустақиллик йилларида гўшт истеъмоли — 1,4 марта, сут — 1,3 баробар, сабзавот ва полиз маҳсулотлари — 2,6 марта, картошка — 2 баробар, мевалар истеъмоли — 6,4 карра ошди.

Юртимиздаги оилаларни узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган товарлар билан таъминлаш борасидаги аҳвол ҳам тубдан ўзгарди. Хонадонларни холодильник, кондиционер, шахсий компьютер, телевизор, мобиль телефон ва бошқа замонавий маиший техника воситалари билан таъминлаш даражаси ошмоқда.

Айниқса, сўнгги йилларда аҳолининг ўзимизда ишлаб чиқарилган енгил автомобиллар билан таъминланиш даражаси ўсгани эътиборлидир. Агар 2000 йилда ҳар 100 та оилага ўртача 20 та енгил автомобиль тўғри келган бўлса, бугунги кунда бу рақам 41,4 тага етди.

Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимиздаги оилаларнинг 11 фоиздан ортиғи иккитадан енгил автомобилга эга. Бу кўрсаткичларнинг барчаси аввало нимадан далолат беради?

Бу кўрсаткичлар энг аввало бизнинг ўз олдимизга қўйган юксак мақсад — дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш йўлидан изчил ва босқичма-босқич илгарилаб бораётганимизнинг исботи бўлиб, ана шу мамлакатлар эришган марраларга биз ҳам албатта етамиз, деган ишончни туғдиради.

Ҳурматли юртдошлар!

Иқтисодиётимизнинг 2014 йилга мўлжалланган асосий вазифа ва устувор йўналишлари аввало бу соҳанинг **юқори суръатлар билан ўсиб боришини таъминлаш, бунинг учун мавжуд барча резерв ва имкониятларни сафарбар этиш борасида қабул қилинган стратегияни** давом эттиришга қаратилган.

Ялпи ички маҳсулот ҳажмини 8,1 фоизга, саноатни 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалигини 6 фоизга, чакана савдо айланмасини 13,9 фоизга кўпайтириш, бозор хизматларини 16,2 фоизга оширган ҳолда, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 55 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда.

Солиқ юкини янада камайтириш, жумладан, юридик шахслар учун фойда солиғи ставкасини 9 фоиздан 8 фоизга, жисмоний шахслар учун энг кам солиқ ҳажмини 8 фоиздан 7,5 фоизга тушириш иқтисодиётимиз ривожида албатта муҳим аҳамият касб этади.

Бундай солиқ енгилликлари 130 миллиард сўмдан ортиқ маблағни тежаш ва уни корхоналар ихтиёрида қолдириб, уларнинг ўз айланма маблағларини кўпайтириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш, шунингдек, аҳоли даромадларини 90 миллиард сўмдан кўпроқ ошириш имконини беради.

2014 йилнинг 1 январидан бошлаб Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 12 фоиздан 10 фоизга туширилди.

**Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, 2014 йил саноат соҳасида юксак технологияларга асосланган ва замонавий муҳим объектлар ва қувватларни ишга тушириш, инвестицияларни ошириш ва такомиллаштириш йили бўлади.**

Молиялашнинг барча манбалари бўйича капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажми 14 миллиард 300 миллион долларни ташкил этади ва бу кўрсаткичнинг ўтган йилга нисбатан 10,1 фоизга ўсиши таъминланади, асосий капиталга киритиладиган инвестициялар ҳажми ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2013 йилги 23 фоиз даражасида сақлаб қолинади.

Барча инвестицияларнинг 73 фоиздан ортиғи ишлаб чиқариш объектларини барпо этишга, капитал қўйилмаларнинг қарийб 40 фоизи машина ва ускуналар сотиб олишга йўналтирилади.

Жорий йилда 3 миллиард 900 миллион доллардан зиёд хорижий инвестиция ва кредитларни ўзлаштириш, уларнинг ҳажми ўтган йилга нисбатан 29 фоизга ўсишини таъминлаш мўлжалланмоқда.

Хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажмида тўғридан-тўғри инвестициялар қарийб 69 фоизни ташкил этиши ва уларнинг ҳажми 2014 йилда 22,4 фоизга ортиши алоҳида эътиборга лойиқ.

Бу йил умумий қиймати 4 миллиард 400 миллион доллар бўлган 150 дан ортиқ йирик ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш кўзда тутилган.

Шулар қаторида «Деҳқонобод калийли ўғитлар заводининг ишлаб чиқариш қувватини 200 минг тоннадан 600 минг тоннага ошириш», «Хоразм вилоятида «Дамас» русумидаги енгил автомобиллар ишлаб чиқаришни ташкил этиш», «Жиззах вилоятида 760 минг тонна портландцемент ёки 350 минг тонна оқ цемент ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш», «Ўзбекистон—Хитой газ қувурининг учинчи тармоғини қуришни ниҳоясига етказиш», «Шўртан ва Алан конларини ободонлаштириш ва компрессор станциясини барпо этиш» бўйича ва бошқа муҳим лойиҳаларни ниҳоясига етказиш мўлжалланмоқда.

Сурғил кони базасида Устюрт газ-кимё комплексини қуриш, Шўртан газ-кимё комплексида ишлаб чиқарилаётган тозаланган метан негизида синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича қурилиш ишлари давом эттирилади.

Электр энергетикаси соҳасида Толлимаржон иссиқлик электр станциясида қуввати 450 мегаватт бўлган 2 та буғ-газ қурилмасини барпо этиш йўли билан кенгайтириш ишлари олиб борилади. Тошкент иссиқлик электр станциясида қуввати 370 мегаватт бўлган буғ-газ қурилмаси ишга туширилади. Навоий иссиқлик электр станциясида қуввати 450 мегаватт бўлган иккинчи буғ-газ қурилмасини барпо этиш орқали кенгайтириш ишлари бажарилади.

Кимё саноатида Қўнғирот сода заводининг иккинчи навбати қурилади ва шунингдек, «Навоийазот» очиқ акциядорлик жамиятида метанол, аммиак ва карбамид ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бошқа лойиҳалар амалга оширилади.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

2014 йилга мўлжалланган кенг кўламли дастурий мақсад ва вазифалар ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш, мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланиши йўлида ғов бўлиб турган муаммоларни ечиш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишни талаб қилиши ҳақида бугун гапириб ўтиришнинг зарурати йўқ, деб ўйлайман.

Бу ўринда сўз, биринчи навбатда, **мамлакатимизда том маънодаги рақобат муҳитини шакллантириш ҳақида бормоқда. Маълумки, бундай муҳит ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш ва модернизация қилиш, жаҳон бозорларига чиқиш йўлида ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қилади.**

Бугун шуни тан олишимиз керакки, бу йўналишда амалга оширилаётган дастурий чора-тадбирлар замонавий талабларга ҳали-бери тўлиқ жавоб бермайди.

**Биз ҳанузгача эскича фикрлаш қолипидан чиқа олмаяпмиз, ўз умрини ўтаб бўлган, эски ва яроқсиз планли-тақсимот тизими қолдиқлари, афсуски, бутунлай барҳам топгани йўқ. Кескин рақобат шароитида солиқ имтиёзлари ва протекционистик чоралар ҳисобидан яшаш мумкин, деган нотўғри қараш миямизга чуқур ўрнашиб қолган.**

Бундай чоралар, аввало, корхоналар манфаатига зарар етказиб, уларнинг даромадини камайтириш билан бирга, давлат бюджетига сезиларли равишда зиён етказиши ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Энг муҳими, ҳар қандай имтиёз ва преференциянинг умри узоқ эмаслигини эсимиздан чиқармаслигимиз зарур.

Фақат шундай имтиёз ва преференцияларга таяниб қолган корхоналар очиқ иқтисодиёт шароитида хорижий компаниялар билан нафақат ташқи, балки ички бозорда ҳам рақобатлаша олмайди.

Ўйлайманки, бу масала бўйича тушунтириш ва изоҳ бериб ўтиришнинг даври ўтди, эскича бошқариш қолиплари ва усулларидан қутула олмаётган раҳбарлардан қатъий воз кечадиган вақт келди. Бугун ҳаётнинг ўзи корхона ва бирлашмаларни бошқаришда замонавий фикрлайдиган, пухта тайёргарликка эга бўлган менежерларга таянишни талаб этмоқда.

Ҳеч кимга сир эмаски, ишлаб чиқариш харажатларининг юқори экани, тайёрланаётган маҳсулотларнинг материал ва энергияни кўп талаб қилиши ва аввало иқтисодиёт реал сектори тармоқларининг технологик жиҳатдан қолоқлиги бугунги кунда рақобатдошликни оширишда жиддий тўсиқ бўлмоқда.

Юртимиздаги 500 дан ортиқ реал сектор корхонасида ишлатилаётган 160 мингдан зиёд ускуна бўйича ўтказилган техник аудит натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ана шу ускуналарнинг 30 фоиздан ортиғи эскириб кетган. Жумладан, электр техника саноатида ускуналарнинг 44 фоизи, машинасозлик тармоғида 37 фоизи, кимё саноатида 21 фоизи, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда 20 фоизи, озиқ-овқат саноатида 19 фоизи, енгил саноатда 8 фоизи эскирган.

2009-2013 йилларда самарасиз ишлаётган 172 та корхона тижорат банклари балансига ўтказилди. Уларнинг 112 тасида ишлаб чиқариш фаолияти тикланди ва янги мулкдорларга сотилди. Банклар балансида қолган корхоналарнинг 43 тасида эса ишлаб чиқариш фаолияти тикланди, яна 17 та корхонада бу борада иш олиб борилмоқда.

Ана шу корхоналарда модернизация ва ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаш жараёнларини амалга ошириш учун 316 миллиард сўм ҳажмидаги инвестиция киритилди ва бунинг натижасида 9 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Шу билан бирга, бугунги кунда 140 дан ортиқ корхона зарар кўриб ишламоқда. Уларнинг 67 таси йирик корхоналар бўлиб, 10 таси саноат соҳасига, жумладан, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, кимё, электр техника ва фармацевтика саноати тармоқларига тегишлидир. Масалан, Тошкент трактор заводи, «Агрегат заводи», «Чирчиққишлоқмаш», «Ўзпахтамаш» очиқ акциядорлик жамиятлари оғир молиявий аҳволга тушиб қолган.

«Самарқанд кимё заводи», «Жиззах пластмасса» очиқ акциядорлик жамиятлари каби йирик кимё саноати корхоналари, шунингдек, мамлакатимизда турли ёритиш воситаларига эҳтиёж катта эканига қарамасдан, Тошкент шаҳридаги «Оникс» очиқ акциядорлик жамиятида ҳам аҳвол қониқарли эмас.

Коммунал соҳада 26 та зарар кўриб ишлаётган корхона, шу билан бирга, йўл қурилиши соҳасида 13 та иқтисодий ночор корхона мавжуд экани ҳам ташвиш уйғотади.

Вазирлар Маҳкамаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, манфаатдор тузилмаларни жалб этган ҳолда 3 ойлик муддатда юқорида кўрсатиб ўтилган корхоналар бўйича уларни молиявий инқироздан ва банкротликдан чиқариш бўйича «йўл харитаси» деб аталадиган дастурларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Бундай чора-тадбирларни қўллаш фойдасиз бўлган корхоналарни эса ноль қиймати бўйича хусусий жисмоний шахсларга сотиш масаласи кўриб чиқилсин.

**Бугунги кунда хусусий мулк шаклидаги корхона давлат мулки бўлган корхонадан кўра анча самарали ишлашини исботлаб ўтиришнинг зарурати бўлмаса керак.**

Тан олиш керакки, бу ҳақда гапирганда, баъзан хусусий мулк тушунчасини нодавлат мулкка асосланган корхоналар тушунчаси билан чалкаштирамиз. Мазкур таърифларга қатъий аниқлик киритиш ва энг муҳими, қонунларимизга мувофиқ равишда иқтисодиётда хусусий мулкнинг устуворлигини амалда таъминлаш, уни қўллаб-қувватлаш ва дахлсизлигини кафолатлаш даркор.

**Ишбилармонлик — бизнес юритиш учун амалий қулай шароит туғдириб бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш реал иқтисодиётни ислоҳ этишнинг навбатдаги энг муҳим йўналишига айланмоғи зарур.**

Сўнгги йилларда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бизнес юритиш, иқтисодиётимизга маҳаллий ва хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш учун зарур шароит ва қулай муҳит яратиш борасида биз улкан ишларни амалга оширдик.

Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги ҳақидаги принцип жорий этилди. Фақат ўтган йилнинг ўзида рухсат беришга оид 80 дан ортиқ тартиб-таомил, лицензияланадиган фаолият турларининг 15 таси, 65 турдаги статистик ҳисоботлар, 23 турдаги ҳисоботни тақдим этиш муддатлари қисқартирилди, 22 турдаги интерфаол солиқ хизмати жорий этилиб, зарур рухсатномалар бериш муддати 2 марта ва мазкур жараёнлар учун харажатлар қиймати 5 марта қисқартирилди.

Шуни қайд этиш жоизки, тадбиркорлик субъектлари томонидан рухсатнома олиш жараёнида тўланадиган харажатлар 8 баробар камайтирилди, банкларда ҳисобрақами очиш учун тўловлар бекор қилинди ва шу борада бошқа зарур тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистон бизнесни рўйхатга олиш шартлари бўйича жаҳон миқёсида 66 позиция юқорига кўтарилиб, рейтинг ўтказилган 189 мамлакат орасида 21-ўринни эгаллади, кредит ажратиш бўйича рейтингда эса 24 позиция юқорига кўтарилди.

Айни пайтда шуни эътироф этиш керакки, мамлакатимиздаги ишбилармонлик муҳити ва бизнес юритиш шароитининг бугунги ҳолати эркин бозор иқтисодиётининг талаб ва принциплари, умумий халқаро нормаларга тўлиқ жавоб беради, деб айта олмаймиз.

Тадбиркорларимиз қишлоқ жойларда энергия таъминотининг беқарорлигига, ишлаб чиқариш ва йўл инфратузилмасининг керакли даражада ривожланмаганига, текширувларнинг кўплигига, шунингдек, жойларда ижро интизомининг нисбатан пастлигига ҳалигача дуч келмоқда.

Бу ўта муҳим масалага яна ва яна бир бор эътибор қаратиб, алоҳида таъкидлашни зарур деб биламан: тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш учун турли рухсатномалар бериш муддатларини янада қисқартириш, уларнинг тартиб-таомилларини соддалаштириш ва арзонлаштириш, тадбиркорлик йўлидаги ортиқча бюрократик ғовларни бартараф этиш ва бундай ҳолатларга йўл қўймасликни жиддий назоратга олишимиз шарт.

Лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини электрон шаклда тақдим этиш, коммунал хизматлар, шунингдек, солиқ солиш ва божхона расмийлаштируви бўйича хизматларни интерфаол шаклда кўрсатишга ўтишни тезроқ амалга ошириш зарур.

Электрон тижоратни ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда 10 миллиондан зиёд пластик карточка муомалага чиқарилган бўлиб, уларнинг қарийб 2 миллион 500 мингтаси онлайн карточкалардир. Бугунги кунда телекоммуникация ва коммунал хизматлар учун тўловларни Интернет орқали тўлаш мумкин. Энг қисқа муддатларда бу борадаги ғов ва тўсиқларни бартараф этиш, ушбу соҳани янада ривожлантириш керак.

Марказий банк, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига электрон тижоратни кенгайтиришга доир таклифларни киритсин ва 2004 йилда қабул қилинган ва бугунги кун талабларига жавоб бермай қолган «Электрон тижорат тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасини тайёрласин.

**Ижтимоий соҳани ривожлантириш, иш жойларини шакллантириш ва аҳоли бандлиги, уй-жойлар қуриш ва аҳоли пунктларини ободонлаштириш, таълим-тарбия жараёнлари ва соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ этиш ва такомиллаштириш доимо эътиборимиз марказида бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.**

Жорий йилда давлат бюджети харажатларининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилади.

Мамлакатимиз парламенти томонидан тасдиқланган дастурга мувофиқ 2014 йилда салкам 1 миллион иш ўрни ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Жорий йилда меҳнат соҳасига қарийб 500 минг нафар ёш йигит-қизлар — 2-3 тадан мутахассисликни ва иш кўникмаларини эгаллаган, олган билимларини иқтисодиётимизнинг турли соҳаларида, хизматлар ва бошқарув жабҳасида қўллашга тайёр бўлган касб-ҳунар коллежларининг битирувчилари кириб келади.

Бу ўринда навқирон авлодимизни фаол меҳнат фаолиятига тўлақонли жалб этиш бўйича вилоят, шаҳар, туман ҳокимлари, корхона ва коллежлар раҳбарларининг ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажариш бўйича масъулияти ҳақида гапиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Вазирлар Маҳкамаси бу борадаги ишларни зарур даражада мувофиқлаштиришни таъминласин.

Бугунги кунда аҳолини ҳар томонлама шинам ва қулай уй-жойлар билан таъминлаш, уй-жой массивлари атрофидаги инфратузилмаларни обод қилиш юзасидан олиб борилаётган улкан ишлар одамларнинг кайфияти ва дунёқарашига, уларнинг ҳаёт сифатига қандай кучли таъсир кўрсатаётгани ҳақида ортиқча сўз юритишнинг зарурати йўқ, деб ўйлайман.

Бу ўринда гап биринчи навбатда қишлоқларимиз аҳолиси ҳақида бормоқда. 2014 йилда 388 та массивда умумий майдони 1 миллион 500 минг квадрат метр бўлган 11 мингта намунавий уй-жой барпо этиш кўзда тутилмоқда.

Шу муносабат билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Молия вазирлиги, «Қишлоқ қурилиш банк» ва «Қишлоқ қурилиш инвест» компанияси шу йилнинг февраль ойидан кечиктирмасдан жорий йил дастури бўйича молиялаштиришни бошлаши, март ойида эса уй-жойларни қуриш ишларини бошлашни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни кўришлари даркор.

Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари эътиборини бир масалага алоҳида қаратиб айтмоқчиман: қишлоқларимиз аҳолиси нафақат қулай уй-жойларда, айни вақтда барча зарур муҳандислик ва транспорт коммуникацияларига, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектларига — тиббиёт, спорт, банк, маиший хизмат кўрсатиш, савдо ва маданият муассасаларига эга бўлган обод посёлкаларда яшаши лозим.

Лўнда қилиб айтганда, янгитдан барпо этилган бундай посёлкалардаги уй-жойларнинг сифат даражаси ва яратилган маиший қулайликлар шаҳардаги шароитлардан асло кам бўлмаслиги керак.

2014 йилда таълим-тарбия соҳасида 380 та умумтаълим мактаби ҳамда 161 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицейни реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш учун 410 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтириш мўлжалланмоқда.

Касб-ҳунар коллежларининг ўқув-ишлаб чиқариш устахоналарини юксак технологиялар асосида ишлаб чиқарилган замонавий ускуналар ва ўқув техникаси билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Ўтган 2 йил давомида олий ўқув муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича кўп ишлар амалга оширилди. Хусусан, Қарши, Термиз, Урганч ва Бухоро университетлари, Тошкент давлат техника университети, Навоий давлат кончилик институти ва бошқа олий ўқув юртларининг янги ўқув биноларини қуриш ва мавжуд корпусларини реконструкция қилиш, уларни замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш ишлари амалга оширилди.

2014 йилда 34 та олий ўқув муассасасида қурилиш, реконструкция ва жиҳозлаш ишларини амалга ошириш учун 173 миллиард сўм маблағ ажратиш кўзда тутилган. Жумладан, Андижон, Қарши давлат университетларида, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва бошқа олий ўқув юртларида янги ўқув бинолари ва ахборот-ресурс марказлари қуриш мўлжалланмоқда. Шунингдек, 51 миллиард сўм маблағ ҳисобидан мамлакатимиздаги 17 та олий ўқув юртида капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш белгиланган.

Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ этиш ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш масалалари 2014 йилда ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлиб қолади.

Жорий йилда соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун ажратиладиган маблағлар 407 миллиард сўмдан зиёдни ташкил этади ёки уларнинг ҳажми қарийб 30 фоизга ортади.

Бундан ташқари, тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш учун халқаро молия институтларининг 28 миллион доллардан ортиқ имтиёзли кредитларини жалб этиш кўзда тутилмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, биз 2014 йилда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида ўхшаши бўлмаган, халқаро стандартлар бўйича энг юқори, яъни тўртинчи даражали ҳисобланадиган кўп тармоқли махсус болалар шифохонасини Корея Республикаси ҳукуматининг 103 миллион доллар миқдоридаги маблағи ҳисобидан барпо этишни бошлаймиз. Айтиш керакки, ушбу шифохона 250 та даволаш ўрнига ва бир кеча-кундузда 200 нафар болани қабул қила оладиган поликлиникага эга бўлади.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2014 йилда 115 та болалар спорти объектини қуриш ва реконструкция қилиш, уларни асосан мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган замонавий спорт анжомлари билан таъминлаш учун 107 миллиард сўм маблағ ажратиш режалаштирилмоқда.

Қадрли ватандошлар!

Бизнинг ўз олдимизга қўйган асосий мақсадимиз — бошлаган ислоҳотларимиз, иқтисодиётимизни янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларини давом эттириш ва чуқурлаштириш, ҳаётимиз даражаси ва сифатини изчил ошириб боришни таъминлаш, тенглар ичида тенг бўлиб, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашдан иборатдир.

Янги — 2014 йилнинг юртимизда «Соғлом бола йили» деб эълон қилингани жамоатчилигимиз, халқимиз томонидан қандай кўтаринки кайфият ва мамнуният билан кутиб олинганига, кенг қўллаб-қувватланаётганига барчамиз гувоҳмиз.

Жорий йилга бундай ном берганимиз, аввалламбор, болаларимизнинг соғлиғи ҳақида, уларнинг келажаги ҳақида кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир амалий ифодасидир.

Бизнинг вазифамиз, керак бўлса, олий бурчимиз — фарзандларимизнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан уйғун ривожланган, замонавий билим ва тажрибаларни пухта эгаллаган, Ватанимиз ва халқимиз келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши учун қўлимиздан келган барча-барча ишларни амалга оширишдан иборатдир.

Биз яқин кунларда «Соғлом бола йили» бўйича кенг кўламли давлат дастурини қабул қиламиз. Бу дастур бизнинг ана шундай ҳақиқатан ҳам буюк мақсад-муддаоларимизни рўёбга чиқаришда, ҳеч шубҳасиз, янги ва улкан қадам бўлади.

Барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, белимизни маҳкам боғлаб, ҳар биримиз ўз жойимизда астойдил меҳнат қилсак, Ватанимиз равнақи ва тараққиётига муносиб ҳиссамизни қўшсак, мен ишонаман — олдимизда турган вазифалар қандай улкан ва мураккаб бўлмасин, биз ўз кўзлаган эзгу марраларимизга албатта эришамиз.

Шу йўлда барчангизга сиҳат-саломатлик, куч-ғайрат ва омад тилайман.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Республиканинг банк тизими барқарор фаолият кўрсатмоқда, банклар капиталининг етарлилиги минимал халқаро стандартлардан 3 баравар ортиқ бўлган даражада сақланиб қолмоқда, унинг ликвидлиги эса энг юқори талаблардан 2,2 баравар ортиқдир. Ўтган йили тижорат банкларининг жами капитали 25 фоизга кўпайди. Банклар кредит портфели жами суммасининг 80 фоизга яқини ички манбалар ҳисобига шакллантирилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, модернизациялаш ва интенсивлаштириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар аграр секторда сифат ўзгаришларини таъминламоқда. Ноқулай об-ҳаво шароитларига ва сув тақчиллигига қарамай, ўтган йилда барча асосий қишлоқ хўжалиги экинлари бўйича юқори ҳосил етиштирилди ва йиғиб олинди — 3,36 миллион тонна пахта хомашёси, 7,8 миллион тонна ғалла, 8,4 миллион тонна сабзавот маҳсулотлари ҳосили олинди.

Ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш тизимли чора-тадбирларини амалга оширишни давом эттириш кичик бизнеснинг янада ривожланишига кўмаклашди. Кичик тадбиркорлик соҳасида 26 мингдан зиёд янги субъектлар ташкил этилди, унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши эса изчил ўсмоқда.

Аҳолининг иш билан бандлигини оширишнинг ҳар йиллик дастурини амалга ошириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар 2013 йилда 970 минг нафарга яқин кишини, улардан 60,3 фоиздан ортиғини қишлоқ жойларда ишга жойлаштирилишини таъминлади.

Мамлакат иқтисодиётининг барқарор ва динамик ривожланиши туфайли аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатининг изчил ўсиши таъминланмоқда. 2013 йилда бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдори 20,8 фоизга, аҳолининг реал даромадлари эса — 16 фоизга ўсди.

Мамлакатимиз Президенти ўз маърузасида ҳал этилмаган мавжуд муаммоларни мукаммал таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратди ва 2014 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари ва йўналишларини бажаришга доир дастурий вазифаларга батафсил тўхталди.

Вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва ижро этувчи ҳокимиятнинг маҳаллий органлари раҳбарлари олдига 2014 йилда мамлакат иқтисодий ривожланишнинг барқарор юқори суръатлари сақлаб қолинишини таъминлашга, инвестиция жараёнлари такомиллаштириш ва ўсишига, саноатда муҳим юқори технологияли ва замонавий объектлар ва қувватларни ишга туширишга, шунингдек, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилашнинг, жаҳон бозорига кириб боришнинг муҳим омили ҳисобланган тўлақонли рақобат муҳитини шакллантиришга қаратилган зарур чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан вазифалар қўйилди. Ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнесни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва янада рағбатлантириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, уй-жойлар қуриш ва аҳоли пунктларини ободонлаштириш, соғлиқни сақлаш ва таълим жараёнларини янада ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Жорий йил Соғлом бола йили деб эълон қилинганлиги муносабати билан белгиланган дастурий чора-тадбирларни, шу жумладан оналик ва болаликни муҳофаза қилишни таъминлаш, бошланғич таълим сифатини ошириш, ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш, болалар тарбиясида жамоат ташкилотларининг ролини кенгайтиришни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича вазирликлар, идоралар, ташкилотлар раҳбарлари ва вилоятлар ҳокимлари сўзга чиқдилар. Республика ҳукумати мажлисида қўйилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари юзасидан қарор қабул қилинди. Қарорда 2014 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини таъминлашга доир амалий чора-тадбирлар белгиланди.

**ЎзА.**

---

МАҲАЛЛА ФАОЛЛАРИ ЎҚУВИ

## Билим, малака ва маҳорат оширилади

**Президентимиз Ислом Каримов томонидан маҳалла тизимига қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик туфайли нафақат йиғинларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, замонавий биноларда фаолият юритмоқда, балки шунга мос равишда фаолларнинг билим ва малакаси, бошқарув маҳорати ҳам мунтазам ошириб борилмоқда.**



**Сотиболди БОБОҚУЛОВ, Тошкент шаҳар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув-курслари раҳбари.**

Бу йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтариш, маҳалла фаолларининг касбий ва бошқарув малакаларини янада ошириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига тизимли услубий ёрдам бериш мақсадида Юртбошимизнинг 2013 йил 10 октябрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари аҳоли турли қатламлари манфаатларини ифода этиш билан бирга, уларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини кучайтиришга муҳим ҳисса қўшаётгани «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили тобора мустаҳкам қарор топаётганидан далолатдир.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур қарори фуқаролар йиғинлари ходимларининг касб ва бошқарув малакасини янада ошириш, йиғинларга тизимли методик ёрдамни ташкил этишда муҳим омил бўлаётир. Шу асосда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузурида ҳам давлат таълим муассасаси шаклида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув-курслари фаолияти йўлга қўйилди.

Уларда фуқаролар йиғинлари раислари, йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, масъул котиблар ва «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаларининг раҳбарлари учун машғулотлар олиб борилади.

Ўқув-курсларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий билимини кучайтириш билан бирга, соҳа вакиллари зиммасига юкланаётган янги вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича ҳам зарур ёрдам кўрсатилади. Жумладан, ёшларни касбга йўналтириш, хусусий тадбиркорликни ва оилавий бизнесни ривожлантириш, аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, жамоатчилик назоратини, табиатни муҳофаза қилишни ташкил этиш, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш бўйича бошқарув кўникмалари янада мустаҳкамланади.

Шунингдек, мазкур тизим фуқаролар йиғинларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ижтимоий шериклик механизмларини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган фаолиятини такомиллаштиришга кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув-курсларига ўқув-методик жиҳатдан раҳбарлик қилади.

Айни пайтда мутахассислар томонидан фуқаролар йиғинлари раислари учун маҳаллани бошқаришни янада такомиллаштириш масалаларини ҳал этиш билан боғлиқ жиҳатлар қамраб олинган ўқув дастурлари тайёрланиб, маҳалланинг бошқа фаоллари вазифаларидан келиб чиқиб, уларнинг билим, малака ва маҳоратини оширишга қаратилган маърузалар асосида ўқув режалари ишлаб чиқилди.

Ушбу режа-дастурлар Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси томонидан тасдиқланди. Олимлар ушбу йўналишда алоҳида қўлланмалар яратишга киришди.

Энг муҳими, машғулотлар замонавий шакл ва методлардан, илғор педагогик, ахборот-коммуникация ва инновация технологияларидан фойдаланган ҳолда ташкил этилади.

Мухтасар айтганда, юртимизда кучли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида маҳалла фаолларининг касбий малакаси ва бошқарув маҳоратини оширишни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш давр талабидир.

---

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

## Самарали меҳнат учун катта имконият



**Сўнгги йилларда мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш, ваколатлари доирасини кенгайтириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.**

**Расул КАМОЛ «Mahalla»**

Натижада эҳтиёжманд оилаларни аниқ манзилли ижтимоий ҳимоялайдиган, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашувчи, аниқроғи, аҳолининг таянчи ва суянчига айланган тузилма вужудга келди.

Янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун том маънода маҳаллалар фаолиятини янги босқичга кўтарди. Шу асосда Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 декабрдаги «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда туманлар ва шаҳарлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашларининг намунавий низомларини ва таркибларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори соҳада амалга оширилаётган масъулиятли вазифалар самарадорлигига хизмат қилади.

— Вилоятимизда мувофиқлаштирувчи кенгашнинг мақсаду вазифалари, бурч ва масъулиятлари, таркиби борасида фуқаролар йиғинлари фаоллари ўртасида кенг кўламли тушунтириш ишлари олиб борилаяпти, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Фарғона вилояти бўлими масъул котиби Тоҳиржон Норматов. — Ҳозиргача Риштон, Ёзёвон, Тошлоқ, Фарғона туманлари ҳамда Фарғона шаҳрида мазкур кенгаш фаолиятига доир учрашув ва суҳбатлар ташкил этилди. Мулоқотларда кенгаш вазифалари, ҳуқуқлари, таркиби, аъзоларининг вазифалари хусусида маълумот берилмоқда. Бундай учрашувларни вилоятнинг барча маҳалла фуқаролар йиғинларида ўтказиш кўзда тутилган.

Чунончи, кенгашнинг самарали фаолияти фуқаролик жамиятини ривожлантириш, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, миллатлараро дўстлик, ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, аҳоли барча қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янги босқичга кўтаришда асқотади. Жойларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини кенгаш фаолияти билан боғлиқ ҳуқуқий норма ва ҳужжатлар, ўқув-қўлланмалари билан таъминлаш борасида ҳам талайгина ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳудудий мувофиқлаштирувчи кенгашлар фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг илғор иш тажрибаларини оммалаштириш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш, ижтимоий шериклик муносабатларни шакллантиришдек долзарб вазифаларни амалга оширади. Маҳалланинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, оилавий тадбиркорликни оммалаштириш, миллий, умуминсоний қадриятларни эъзозлаш ва ривожлантириш сингари ташаббусларни қўллаб-қувватлаш улар фаолиятининг асосини ташкил этади.

Хуллас, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ташкил этилган кенгаш маҳалла тизимини янада равнақ топиши, йиғин фаолларининг самарали меҳнат қилишлари учун катта имкониятдир.

---

ОБОД ШАҲРИМ

## Ноқонуний қурилмалар ўрнида замонавий тураргоҳлар

**Юртимиз маҳаллаларида ободонлаштириш ишларининг жадал суръатларда давом этаётгани аҳолининг бу тизимга бўлган ишончидан далолатдир.**

**Диллора ҚАРШИБОЕВА «Mahalla»**

Айниқса, кўп қаватли уйлар атрофидаги ноқонуний қурилмалар ва гаражлар ўрнига замонавий автотураргоҳлар, хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этилаётгани ҳудудлар кўркига кўрк қўшиш баробарида, аҳолига ҳам бирмунча қулайликлар туғдирмоқда.

«Обод шаҳрим» лойиҳаси асосида замонавий тураргоҳларни барпо этиш чора-тадбирлари пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги «Турон» маҳалласида ҳам изчил давом эттирилаётир.

— Маҳалламизда 24 та кўп қаватли уй ва 135 та ҳовли-жой мавжуд, — дейди фуқаролар йиғини раиси Бойназар Бекназаров. — Аҳолининг уйлар атрофидаги ноқонуний қурилмалар ва носанитар ҳолатдан йиғин фаолларига мурожаат қилишди. Туман ҳокимлиги билан бу муаммони кўриб чиқиб, замонавий автотураргоҳлар барпо этишга киришдик.

Ҳозиргача ҳудуддаги 175 дан зиёд ноқонуний қурилмалар олиб ташланди. Уларнинг ўрнига барча қулайликларга эга замонавий лойиҳадаги 3 та автотураргоҳ қурилмоқда. Ҳудудда жойлашган 2 та таълим муассасасининг атрофи ҳам ҳашар йўли билан тозаланиб, болажонлар учун футбол майдончаси барпо этилди. Бундан ташқари, йиғиндаги мактабгача таълим муассасаси ёнида мевали ва манзарали дарахтлар экиш режалаштирилган.

— Ободонлаштириш ишларида барчанинг фаол иштирок этиши аҳолининг ҳамжиҳатлигидан далолат, — дейди йиғин фаоли Комила Ҳайдарова. — Автотураргоҳларнинг қурилишида енг шимариб меҳнат қилдик. Ҳомийлар кўмагида йиғилиб қолган чиқиндиларни махсус жойларга чиқариб ташладик. Атрофдаги дарахтларга ишлов бердик. Ишонасизми, бу билан ҳудудимизда бўш жойлар кўпайди. Улар ўрнига савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қад ростлаяпти. Бу 4200 нафар аҳоли истиқомат қиладиган ҳудуд чиройига чирой қўшмоқда.

Масаланинг барча томони ўрганилиб, қулай ва замонавий тураргоҳлар қурилиши аҳоли турмуш тарзи билан боғлиқ муаммоларни бартараф этаётир. Зеро, ҳудудларда долзарб муаммоларнинг ўз вақтида ҳал этилишида маҳалла тизимининг аҳамияти беқиёс.




---

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

## Муаммолар ечимида фаол иштирок зарур

**Кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда ҳуқуқий маданият, адолат ва демократик тушунчалар алоҳида аҳамият касб этади. Жамиятда адолат тамойилларининг қарор топишида эса жамоатчилик назоратининг ўрнатилиши муҳим омиллардандир.**

**Эрпўлат БАХТ. Хоразм вилояти.**

Ушбу мезонлар асосида Хоразм вилоятида ҳам қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, Урганч шаҳрида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими томонидан ҳокимият вакиллари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳамкорлигида жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқишда фуқаролар йиғинларининг ролини оширишга қаратилган лойиҳалар амалиётга изчил татбиқ этиляпти.

— Урганч шаҳрида 37 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд, — дейди Фонднинг шаҳар бўлинмаси раиси Алишер Юсупов. — Уларнинг барчасида Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссиялар фаолият олиб бормоқда. Комиссиялар ташаббуси билан ҳар бир маҳаллада «Адолат қутиси» ташкил қилинган. Фуқаролар ўзларини қийнаётган муаммолар, эътироз ва таклифларни ёзиб, қутига ташлашлари мумкин. Албатта, улар тегишли тартибда ўрганиб чиқилади.

Вилоят марказидаги «Тозабоғ», «Гулчилар», «Бешмерган», «Янги ҳаёт» ва Ал-Хоразмий номидаги маҳаллаларда жамоатчилик назоратини ўрнатишда ижтимоий шериклик механизмларини ривожлантиришга бағишланган тадбирлар ташкил этилмоқда. Айниқса, «Бешмерган» маҳалласи бу борада бошқаларга ибрат бўлаётир. Меҳнат фахрийси Л.Асқарова ташаббуси билан фаоллар гуруҳи тузилиб, жамоатчилик назорати ўрнатилишида амалий натижаларга эришиляпти.

— Умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим муассасаси ҳамда тиббиёт масканларига тарқатилган ҳомийлик ёрдамларининг адолат тамойиллари асосида тақсимланиши, дўконлардаги маҳсулотларнинг белгиланган меъёрлардаги нархларда сотилиши устидан доимий равишда кузатув олиб борамиз, — дейди «Тозабоғ» маҳалла фуқаролар йиғинининг Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссияси раиси Олимбой Қурёзов. — Абдулла Собиров, Светлана Головина, Қувват Дамиев, Надежда Корамзина каби комиссия аъзолари ўз бурч ва вазифаларини сидқидилдан бажармоқдалар.

Аҳолини газ ва электр энергияси билан таъминлашдаги узилишлар сабаблари комиссия томонидан ўрганилиб, муаммолар шаҳар ҳокимлиги ва электр тармоқлари бўлими билан ҳамкорликда бартараф қилиб борилаяпти. Бироқ айрим маҳаллаларда жамоатчилик назоратини амалга оширилиши бўйича амалиётлар фаоллашмагани кўзга ташланади. Комиссиялар фаолияти фақат қоғозда мавжуд бўлиб, уларнинг таркиби билан кенг омма яхши таниш эмаслиги оғриқли нуқталардан бири.

— Яқинда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Урганч шаҳар кенгаши ташаббуси билан Наврўз шаҳарча фуқаролар йиғинининг Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссия фаолияти ўрганилди, — дейди А.Юсупов. — Бу ерда газ ва электр таъминотида узилишлар мавжудлиги аҳоли эътирозига сабаб бўлган экан. Муаммо ўрганилганида шаҳарча ҳудудидаги газ қувурларида босим меъёрда, бироқ аҳоли хонадонларига етиб бормаётганига эскирган қувурлар ичида тўпланган чиқитлар сабаб бўлаётган экан. Шунингдек, айрим хонадон эгалари газ тармоқларига ноқонуний уланиб, табиий ёқилғидан фойдаланиб келаётгани аниқланди.

Дарҳақиқат, бундай муаммоларнинг бартараф этилишида мазкур комиссия аъзоларининг саъй-ҳаракатлари муҳим аҳамият касб этади. Лекин Наврўз шаҳарчасида ушбу комиссия фаолияти етарли даражада ташкил этилмагани боис, айрим муаммолар бошқаларини етаклаб келаётгани кўзга ташланди.

Бир сўз билан айтганда, Жамоатчилик назорати жамиятда адолатнинг, қонун устуворлигининг барқарорлигини таъминлайди. Шунингдек, у кучли фуқаролик жамияти шаклланишида ҳар бир шахснинг фаол иштирокидир, десак янглишмаймиз.

АСКАР — МАҲАЛЛА МЕҲМОНИ

# Юракларга жойланган туйғу



< [1]

Куюнчаклик билан билдирилган ушбу фикрларнинг амалдаги ифодаси сифатида Қарши шаҳридаги «Кат» маҳалласида «Ватан ҳимояси — муқаддас бурч» мавзусида давра суҳбати ташкил этдик. Ёшлар онгу шуурига юрт қадри, тинчликни асраш, мамлакат истиқболи учун қайғуриш, эл-юртга муносиб фарзанд бўлиб етишишдек туйғуларни жойлаган бу тадбир Мудофаа вазирлиги қошида ташкил этилган Жамоатчилик кенгаши вакиллари, Қарши давлат университети профессор-ўқитувчилари, ҳудуддаги юқори натижаларга эришган спортчилар, маҳалла фаоллари ва ёш авлод вакилларини жамлади. Маҳалламизда камолга етган, Тошкент шаҳридаги ҳарбий қисм алоқалар бригадасида оддий аскар бўлиб хизмат қилган Ойбек Рўзибоевнинг анжуманда иштирок этгани, маҳалла аҳли ва тадбир меҳмонларида миллий армиямизнинг бугунги қудрати, ҳарбий қурилиш соҳасидаги ислоҳотлар самаралари, соҳа ходимларига берилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрлик ҳақида теран тасаввурлар уйғотди.

Йигитнинг сўзларида қатъият, кўзларида шижоат зоҳир. У кейинги йилларда замонавий қурол-яроғ ва техника билан ҳар томонлама яхши таъминланган, ҳаракатчан ва юксак талабларга жавоб берадиган миллий армиямиз шаклланганини, муддатли ҳарбий хизматни ўташда юксак жанговар ва пухта ўқув тайёргарликнинг гувоҳи бўлганини, қисқаси, чегараларимиздаги ишончли ҳимоя тизимини ғурур билан эътироф этди. Унинг бу фикрлари маҳалламиз аҳлига мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳасида олиб борилаётган давлат сиёсати мазмун-моҳиятидан яқиндан хабардор бўлиш имконини бериб, қалбларини фахр ва ифтихорга тўлдирди. Фарзандларимиз — маҳалламизда вояга етаётган ёшлар бундан ниҳоятда тўлқинланишди. Қуролли Кучларимиз фахрийлари, нуроний отахонларимизнинг бугунги дориломон кунларни қадрлаш ҳақидаги насиҳату ўгитлари ҳам улар қалбидаги эзгулик куртакларига қувват бергани аниқ.

Тадбирда Ватан олдидаги муқаддас бурчини ўтаётган мард, жасур йигитларнинг ота-оналари ҳам қатнашди. Улар сарҳадлар дахлсизлиги учун тунларни тонгларга улаётган ўғлонлар ўстирганидан мамнунликларини, «Ватан ҳимоячисининг ота-онаси», дея эъзозлаётган давлатимиздан миннатдорликларини тўлиб-тошиб эътироф этишди.

Туғилиб-ўсган юрт учун умрбод қарздорлик, унинг ҳар қарич ерини ҳимоя қилиш қон-қонимизга синган. Ўсиб келаётган ёшларнинг бу шарафли касбни эгаллашга бел боғлагани эса, амалга ошираётган ишларимизнинг бесамар кетмаётгани ифодасидир. Келгусида ҳарбий-ватанпарварлик йўналишидаги тарғиботни жонлантириш доимий вазифаларимиздан бири бўлиб қолади.

ОСОЙИШТАЛИГИМИЗ ПОСБОНЛАРИ

# Инсонга наф келтириш — улуғ эзгулик



**Донишмандлардан бири инсонга наф келтирадиган ҳар бир ишни улуғ эзгулик, дея атаганди. Маҳалла посбонлари хизмати ҳам ана шундай эътирофга муносиб.**

**Нигина ШОЕВА**
**«Mahalla»**

Мамлакатимизда аҳоли фаровонлиги, юрт осойишталиги йўлида амалга оширилаётган ишларда маҳалла посбонларининг ўрни беқиёс. Чунки маҳалла аҳолисининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ёшларни Ватанга муҳаббат, ота-онага ҳурмат, касбга садоқат руҳида тарбиялашдек устувор вазифалар айнан улар иштирокида таъминланяпти.

Термиз шаҳридаги «Алпомиш» маҳалла фуқаролар йиғини ҳузуридаги «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси сардори вазифасида саккиз йил хизмат қилган Илҳомжон Муҳаммадиев Обод турмуш йилидан фаолиятини «Гулистон» маҳалласида давом эттирмоқда. Ҳар бир юмушга масъулият ва талабчанлик билан ёндашадиган сардор маҳалла аҳли билан муносабатда катта тажрибага эга. Ёши улуғлардан нимадир ўрганишдан, ёшларга тўғри ва оқилона маслаҳат беришдан асло эринмайди. Шундан бўлса керак, у нотинч оилаларни, аразлашган қўшнилар, орасидан гап қочган биродарларни тезда яраштириб қўяди. Баъзан ота-она, устозлари гапини инобатга олмаган ўсмирлар ҳам посбоннинг йўриғига юради.

— Илҳомжон муросаю мадорани ўрнига қўяди, ҳар бир ишга ақл ва фаросат билан ёндашади, — дейди «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Норой Сафарова. — Маҳалла тинч бўлсагина юртда осудалик ҳукм суради. Бу эса посбонлар масъулияти нечоғли залворли эканини англатади. Саккиз нафар посбонга сардорлик қилаётган Илҳомжон бугунги юмушни эртага қолдирмай, сидқидилдан бажаради. Маҳалламизнинг 4 минг нафардан зиёд аҳолиси, 632 та хонадондаги вазиятдан мунтазам хабардор. Айниқса, ёшлар, уларнинг кун тартиби билан жиддий шуғулланади. Уларни ҳаётга тайёрлаш, касб сирларини пухта ўзлаштириши борасида ўз тавсияларини беради. Шунингдек, у жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш йўналишидаги қатор тадбирларнинг ташаббускори ҳам.

Эътироф этиш керакки, «Гулистон» маҳалласи Обод турмуш йилида чиндан ҳам гулистонга айланди. Йил давомида бу ерда бирорта қонунбузилиш ёки ҳуқуқбузарлик ҳолати кузатилмади. Меҳнатига яраша мукофоти деганларидек, яқинда Сурхондарёдаги маҳалла посбонлари ўртасида «Йилнинг энг яхши маҳалла посбони» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда Илҳомжон Муҳаммадиев фахрли биринчи ўринни эгаллаб, ўзининг иш тажрибаси билан кўпчиликка ўрнак бўлди.

# Юртга қалқон ўғлонлар

**Мамлакатимизда миллий армияни ислоҳ қилиш, ҳарбий хизматчиларга етарли шарт-шароит яратишга қаратилаётган юксак эътибор ўз самарасини бераётир. Ёшларимизнинг соҳага қизиқиши ва интилиши ортиб, ҳарбий хизмат ҳар бир йигитнинг орзусига, шон-шарафига айланиб бормоқда.**

**Зебинисо ҲАЙИТОВА**
**«Mahalla»**

Бугун миллий армиямиз жисмонан бақувват, маънан етук ва ҳар томонлама салоҳиятли йигитлардан ташкил топгани бунинг исботидир.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 22 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига бағишланган байрам табригида бунга алоҳида тўхталиб: «...кенг билим ва тафаккурга, юксак профессионал ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлган, замонавий фикрлайдиган, интеллектуал жиҳатдан ривожланган, шиддатли тарзда амалга ошириладиган замонавий жанговар ҳаракатлар шароитида, ўз олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли адо этишга қодир бўлган ҳарбий кадрларни самарали тайёрлаш масаласи ҳал қилувчи аҳамият касб этади», дея алоҳида таъкидладилар.

Ёшларнинг юксак билим олишида, улар қалбида она-юртга муҳаббат ва садоқат туйғусини сингдиришда мамлакатимиздаги ҳар бир фуқаро бирдек масъулдир.

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги «Чилонзор» маҳалласида яшовчи Олим Бобожонов ҳам ўғли Ҳамиджон Ортиқбоевнинг мақсад ва қизиқишларини доим қўллаб-қувватлаб келди. У Тошкент давлат юридик коллежида ўқиётган davridaёқ одоби ва тиришқоқлиги, қолаверса, фаоллиги билан эътиборга тушган. Ҳамиджон ўзига билдирилган юксак ишончни оқлашга астойдил ҳаракат қиладиган, масъулиятли йигит бўлиб улғайди. Аввало, бу ишончни Ватан олдидаги йигитлик бурчини адо этишдан бошлади. Хизмат давомида ўзининг намунали хулқи, жанговар ва интеллектуал салоҳиятини намойиш қилиб, ҳарбий қисм раҳбарияти томонидан қатор фахрий ҳамда мақтов ёрлиқлари билан тақдирланди.

— Ҳар бир ота-она ўз фарзандини эл-юрт корига ярайдиган, Ватан ҳимоячиси бўлиб, камол топишини истайди, — дейди Зулхумор Султонова. — Ўғлим Ҳамиджон ҳам йигитлик бурчини муносиб адо этиб, эл-юрт олдида юзимизни ёруғ қилди. Айниқса, ҳарбий қисм раҳбарияти томонидан оиламизга йўлланган ташаккурномани ўқиб жуда севиндик. Ота-она учун бундан улкан бахт бўлмаса керак.

Ҳ.Ортиқбоев 2013 йили Тошкент темир йўл муҳандислари институтига ўқишга қабул қилинди.

— Она-юрт сарҳадларини қўриқлаш муқаддас бурчлигини ҳарбий хизмат давомида янада чуқурроқ англадим, — дейди у. — Хизматда олган билим ва кўникмаларим институтдаги фанларни ўзлаштиришимда асқотмоқда. Келгусида Ўзбекистон темир йўллари соҳасида янгиликлар яратиб, бу борада юксак натижаларни қўлга киритиш энг олий мақсадим.

Ҳа, мамлакатимизнинг ҳар бир маҳалласида Ҳамиджон сингари шижоатли, мард ўғлонлар бисёр. Улар туфайли юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо.

# Ватанимиз тинчлиги сизнинг қўлингизда

**Бобораҳим келаси ой ҳарбий хизматдан қайтади. Яқинда у бурчини адо этаётган қисмдан уйга ташаккурнома келди. Нома олган ота-онага фарзандининг камолини кўришдан ортиқроқ бахт бўлмаса керак.**

**С.МАХСУМОВА.**

Қувонарлиси, Тошкент вилояти Паркент тумани Ҳисорак қишлоғи таркибидаги «Қуёш», «Теман», «Юқори», «Кумушкон» маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси орасида бундай номаларни олиб боши осмонга етганлар қанча. «Ватанимиз тинчлиги сизнинг қўлингизда» шиори остида ташкил этилган тадбирда муносиб юрт қалқонларини вояга етказган ана шундай оилаларга чуқур миннатдорлик билдирилди.

— Ҳарбий хизматни ўташ йигитларимизнинг ҳам шарафли, ҳам масъулиятли вазифаси, — дейди Ҳисорак қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Акбар Мўминов. — Ҳар йили маҳаллаларимиздан ҳарбийга кетган йигитлар бурчларини намунали ўташ баробарида, олий ўқув юртларига кириш учун имтиёзга эга бўлиб қайтаётганидан қувонаман. Фарзанд тарбиясида оилавий муҳитнинг ўрни беқиёс. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида ҳарбий хизматни ўташ даврида ўзининг маънавий-сиёсий, жисмоний ҳамда намунали хулқини намоён этиб, юртимиз шаънини юксалтираётган фарзандларни вояга етказганлар доимо эъзозда.

Тадбирга қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи нуронийлар ҳам таклиф этилди. Ўктам ва мард ўғлонлар ўстирган оилалар тадбир сўнгида қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан ташаккурнома ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

ВАТАН ҲИМОЯСИ — МУҚАДДАС БУРЧ

# Тавсиянома муносибларга берилади

**Марказий ҳарбий округ сержантлар тайёрлаш мактабида мазкур округдаги ҳарбий қисм ва муассасаларда муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар тест синовларини топширди.**



**Ғ.ҲАСАНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида ҳарбий хизматчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, муддатли ҳарбий хизматни ўташ жараёнида жанговар тайёргарлиги, намунали хулқи ва юқори интеллектуал салоҳияти билан сафдошларига ибрат бўлган йигитларга олий ўқув юртларида ўқишга киришда имтиёз берувчи тавсияномалар жорий этилган. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 31 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига кўра, тегишли тавсияномага эга бўлган фуқаролар мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларига ўқишга киришда тўплаш мумкин бўлган энг юқори баллнинг 27 фоизи миқдорида қўшимча баллга эга бўлади.

Ҳарбий қисм қўмондонлигининг бундай тавсияномаси ҳарбий интизом, жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарликда юқори натижаларга эришган ҳамда белгиланган тест синовларида энг кўп балл тўплаган аскарларга берилади. Бу эса муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ёшлар орасидан энг сараларини танлаб олиш ва уларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Дастлабки босқичлардан муваффақиятли ўтган аскарлар умумҳарбий, маънавий-маърифий тайёргарлик ва мантиқий саволлардан иборат тест саволларига жавоб бериб, ўз билимларини яна бир бор синовдан ўтказди.

— Болалигимдан ҳарбий бўлишни орзу қилардим, — дейди оддий аскар Жасурбек Исмоилжонов. — Муддатли ҳарбий хизматни муваффақиятли ўтаётганим бу орзуимнинг рўёбга чиқишида муҳим қадам бўлмоқда. Хизматдан сўнг олий ҳарбий билим юртига ҳужжат топширмоқчиман. Бугунги тест саволларига жавоб беришда муддатли ҳарбий хизмат давомида олган билим ва кўникмаларимиз жуда қўл келди.

ИННОВАЦИЯ

# Изланишлар самара берди

**Фарғона политехника институти олимлари қуёш энергиясидан оқилона фойдаланишни тадқиқ этиш ва янги натижаларга эришиш юзасидан 3 та амалий, 1 та инновацион лойиҳа яратишди.**

Мазкур лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишда олий ўқув юрти ҳузуридаги «Новатор» унитар ишлаб чиқариш корхонасининг ёрдами катта бўляпти. Бу ерда шахсий хўжаликларни ҳеч қандай органик ёқилғисиз иссиқ сув билан таъминловчи оддий ва арзон иситкич ишлаб чиқаришга киришилди.

Иккинчи лойиҳа бўйича саноат корхоналарининг иссиқ сув ва паст босимли буғга бўлган эҳтиёжи ўрганилди. Махсус қурилма электр тармоғида узилишлар юз берганда унинг ўрнини қоплаш имкониятини беради. Унинг учун қуёш батареялари энергия манбаи сифатида хизмат қилади.

ЖОЙ НОМЛАРИ — ҚАДРИЯТЛАР ТИМСОЛИ

# Тарих ва турмуш тарзи акс этади



**Тилимизнинг бебаҳо хазинасидан муносиб ўрин олган жой номлари халқимизнинг тарихи, маданияти, урф-одатлари, тегишли ҳудуднинг географик ва иқлим хусусиятлари ҳақида ишончли маълумотлар беради.**

**Феруза ТУРСУНОВА.**

Шу боис олимлар «топонимика ер тилидир, ер эса инсоният тарихи, географик номлар битилган китобдир», дейишган.

Истиқлол туфайли юртимизнинг кўча ва хиёбонлари, майдонлар, бекатлар ва биноларга ярашиб турган ўзбекча номларни кўриб, қувонамиз. Кўнглимизда миллий ифтихор туйғулари жўш уради. Жой номларининг ўзидан ўша ер ҳақида маълум тасаввурга эга бўламиз.

Замона зайли билан «Калахча», «Қизил қаҳрамон», «Будённий» деб номланган Андижон вилояти Булоқбоши туманидаги «Шарқ юлдузи» маҳалласи ҳурлик насимидан баҳра олиб, ўзининг ҳақиқий номига эга бўлди. Бу маскан сўлим гўшалари, бетакрор манзараси, об-ҳавосию меҳмоннавоз, меҳр-оқибатли аҳолиси билан эл аро машҳур.

Йиғинга муносиб ном берилишида Ўзбекистон Республикасининг «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги қонуни муҳим дастуриламал бўлди.

— Географик объектларга ном бериш ёки уларни ўзгартириш ғоят нозик ва масъулиятли масаладир, — дейди «Шарқ юлдузи» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ойша Ҳайдарова. — Бу жараёнда зарур билим, зийраклик ва халқнинг тарихий-этник, ижтимоий-маданий хусусиятларидан хабардорлик зарур. Шу боис қонунда географик объектларнинг номини белгилашда маҳаллий аҳоли турмушининг географик, тарихий, миллий, этник, тилга оид ва бошқа хусусиятлари ҳисобга олиниши таъкидланган. Шунга биноан йиғинимизнинг географик жойлашувидан келиб чиқиб, унга муносиб ном танладик.

Беқиёс маънавий бойликларимиз бисоти бўлган маҳаллаларимизда нафақат номлар, балки яна кўплаб асл қадриятлар ҳам сайқал топаётир. Аждодлардан мерос маҳаллалар аслида қадимий қадриятлар бешигидир.

Боболаримиз қалъаю қўрғонлари ичра маҳаллаларни барпо этишиб, унда нафақат халқ бўлиб турмуш кечириш, айни пайтда беқиёс миллий қадриятлар, урф-одатларимиз, бетакрор анъаналаримизни ҳаёт тарзига мослаб кашф этган. Шу нуқтаи назардан маҳалла маънавий бойликлар ўчоғи бўлиб, унда инсон умри ибтидосида куйланадиган она алласидан то сўнгги йўлга кузатилгунча бўлган удумлар ўз ифодасини топган.

«Шарқ юлдузи»да истиқомат қилаётган 4 минг нафардан зиёд аҳоли орзу-истакларининг рўёбга чиқаришда маҳалла фаолларининг алоҳида ҳиссаси бор. Барча эзгу мақсадларнинг замирида маънавият мужассам эканини яхши англаган фаоллар ўтган йилнинг ўзида 6 минг дона китобни ўзида жамлаган кутубхона барпо этдилар.

Ватан тараққиёти, халқ фаровонлигига ҳисса қўшишни эзгу аъмолига айлантирган йиғин фаолларининг «Шарқ юлдузи» жамоаси «Маҳаллам тарихини ўрганаман» кўрик-танловининг республика босқичида ҳудуди бўйича биринчи ўринни қўлга киритди.

ЗАМОНАВИЙ ҚВП

# Соғлом бола — соғлом ва аҳил оиланинг меваси

**Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги «Бойқозон» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида Бойқозон қишлоқ врачлик пункти жойлашган.**

■ Иброҳим БЕК
«Mahalla»

Тизим фаоллари ҳамжиҳатлигида 4 мингдан ортиқ аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келинаётир.

— Аҳоли, айниқса, ёш авлод соғлиғини сақлаш, уларни соғлом турмуш тарзига жалб этиш устувор вазифаларимиздан, — дейди «Бойқозон» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Насиба Йўлдошева. — Тиббиёт ва таълим муассасалари билан биргаликда маҳалламиздаги туғуруқ ёшидаги аёлларни, болаларни ҳар ойда 4-5 марта мунтазам равишда тиббий кўрикдан ўтказмоқдамиз. Жумладан, 278 та ёш оила аъзолари ва мингга яқин туғиш ёшидаги аёллар шифокорлар назоратидан ўтказилди.

Маҳаллада «Саломатлик бурчаги»нинг ташкил этилгани аҳоли тиббий маданиятини оширишга хизмат қилаётир.

Бунда ёшлар, айниқса, ота-оналар учун зарур бўлган санитария-гигиена қоидалари оддий, аммо таъсирчан услубдаги воситалар билан тушунтирилган.

Дарҳақиқат, тарғибот маҳалла ходимлари зиммасидаги муҳим вазифалардан. Шу маънода, тизим фаоллари, Фонднинг туман бўлинмаси бош мутахассиси, хотин-қизлар қўмитаси, тиббиёт ходимлари томонидан эрта туғуруқнинг олдини олиш борасида мингдан ортиқ тушунтириш ишлари олиб борилди. Айниқса, аҳоли ва ёшлар иштирокида «ОИВ/ОИТСнинг салбий оқибатлари ва унинг олдини олиш», «Соғлом авлод — юрт келажаги», «Тиббий кўрикнинг афзалликлари», «Гиёҳвандлик — умр заволи» каби мавзуларда маърифий тадбирлар ташкил этилгани ўз самарасини бермоқда.

Айни пайтда «Бойқозон» қишлоқ врачлик пункти ходимлари билан биргаликда Соғлом бола йилида қилиниши лозим бўлган чора-тадбирлар режаси устида иш олиб борилмоқда. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, кекса отахон-онахонлар ва ногиронларга ҳамширалар бириктирилган. Она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш доирасидаги тадбирлар таъсирчанлигини ошириш, ёшларни турли спорт ва бошқа тўгаракларга жалб этиш, ота-оналар, ёш келин-куёвлар билан якка тартибда суҳбатлар олиб бориш жорий йилда ҳам давом эттирилади.




# Тиббий кўрик ҳар хонадон ва мактабда

**Соғлом бола йили Шўрчи тумани «Шалдироқ» маҳалласи аҳолиси учун муносиб туҳфа билан кириб келди.**

■ Нигина ШОЕВА
«Mahalla»

Бу ерда янги замонавий қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. 303 миллион 600 минг сўмлик қурилиш ва монтаж ишлари бажарилган ҳамда 42 миллион сўмлик тиббий жиҳозлар ўрнатилган врачлик пунктида 18 нафар киши иш билан таъминланди.

Аҳолининг репродуктив саломатлигини яхшилашда амалий ва услубий ёрдам бериш борасидаги ишлар «Шалдироқ» маҳалласи фаоллари билан бирга амалга оширилмоқда. Фуқаролар йиғини раиси Жаббор Йўлдошев ҳамда қишлоқ врачлик пуктининг олий тоифали шифокори Сайфиддин Тўраев ташаббуси билан ҳозирда ҳар бир хонадон фарзандлари, мактаб ва мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларга керакли тавсиялар берилаётир.

«ОИЛА — МАҲАЛЛА — ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ» ҲАМКОРЛИГИ

# Тарбия ҳар кунги юмушга айланган

**Навоий вилояти Учқудуқ кончилик касб-ҳунар коллежида бўлган навбатдаги ота-оналар йиғилиши одатдагидан фарқли ўтди. Фуқаролар йиғини ҳамда таълим муассасаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу мажлис ўқув йилининг биринчи чорак якунларига бағишланди.**

■ Шоира ШАРИПОВА,
Навоий вилояти Учқудуқ кончилик касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси.

Устоз ва мураббийлар чорак давомида ўқувчиларнинг давомат лари, уларнинг фанларни қай даражада ўзлаштиргани, ўтказилаётган тадбирларда ўқувчиларнинг фаол иштироклари тўғрисида мулоҳаза билдирди.

Абай номидаги маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари ўқувчиларни дарсларда мунтазам иштирок этишини таъминлаш ва уларнинг бўш вақтларини манзилли йўналтириш борасидаги ишларни янада мустаҳкамлаш учун қўшимча таклифлар билдирди. Уч томонлама ҳамкорлик натижасида эришаётган ютуқ ва камчиликлар ҳақида атрофлича фикр юритди.

— Ёшларнинг илм ўрганишида таълим муассасаларига катта эътибор қаратилмоқда, — дейди коллеж раҳбари Азамат Рўзиқулов. — Ўқув йилининг кейинги ярим йилидан бошлаб янги режаларни амалга ошириш тараддудидамиз. Бунда «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлигининг кўмагига таянамиз. Айни пайтда маҳалла фаоллари билан маслаҳатлашган ҳолда ўқувчиларни тарихий қадамжолар — Бухоро, Самарқандга сайёҳатини уюштиряпмиз.

Дарҳақиқат, маҳалла фаоллари ва муассаса ходимлари олиб бораётган назорат ишлари кутилган натижани бермоқда. Хусусан, таълим муассасасига яқин ҳудудларда алкоголь ва тамаки маҳсулотлари сотилмайди. Ёшларнинг турли оқимлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш учун маҳалла сардорлари иштирокида профилактик тадбирлар ўтказилади. Ўқувчиларнинг психологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, педагоглар, психологлар ва ҳуқуқшунослар ҳамкорлигида уларнинг ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлашга қаратилган ахборотларни ўз ичига олган деворий газета тайёрланиб, маҳалла идораси ҳамда таълим масканига илиб қўйилган.




Масканда «Ораста қизлар», «Экология муҳофазаси» каби бир нечта тўгараклар ташкил қилинган. Унда фаол ёшлар маҳалла билан ҳамкорликда турли тадбирлар, ободонлаштириш ишларини ташкиллаштиради. «Оила — муқаддас тушунча», «Оилавий анъаналар», «Маҳалла ва оила маънавиятнинг мустаҳкамлиги», «Ота ва она — оила таянчи», «Оилада шарқона садоқат» мавзуларида давра суҳбатлари ўтказилади.

Учқудуқ кончилик касб-ҳунар коллежида асосан кон саноатига йўналтирилган 14 та гуруҳда 989 нафар ўғил-қиз таҳсил олади. Бу ерда ёшларнинг чуқур билим олишлари, ўқиб изланишлари учун барча шарт-шароит яратилган. Кимё, физика, биология фанлари бўйича алоҳида лаборатория хоналари, сўнгги русумдаги компьютерлар, замонавий ўқув жиҳозлари, муҳташам спорт зали ҳамда кутубхона ўқувчилар ихтиёрида.

Бугун юртимизда ёш авлоднинг таълим-тарбияси муҳим ва долзарб масала сифатида давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мамлакатимизнинг барча ўқув даргоҳлари кенг ва ёруғ хоналар, замонавий ўқув қуроллари, қулай жиҳозлар билан таъминланган. 12 йиллик таълим тизимининг самарали йўлга қўйилгани ёшларнинг ўз касбининг малакали мутахассиси бўлиб етишлари учун замин ҳозирлаётир. Буни кейинги йилларда уларнинг барча соҳаларда эришаётган ютуқлари ҳам исботлаб турибди.

ДАВР КЎЗГУСИ

# Тадбирлар давом этмоқда

**Маҳаллада, оилада ижтимоий-маънавий муҳитни қарор топтириш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, тинчлик ва осойишталик, аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшларни 12 йиллик узлуксиз таълим тизимига тўлиқ қамраб олиш масалаларига бағишланган форум тадбирлари Қорақалпоғистон Республикасининг барча шаҳар ва туманларида бўлиб ўтмоқда.**

Хусусан, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бошқаруви тегишли давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда Тўрткўл туманининг Оққамиш ҳамда Ўзбекистон овул фуқаролар йиғинларида ана шундай тадбирларни ташкил этди. Форум «Оилага кириш», «Саломатлик», «Таълим ва тарбия», «Бандлик», «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси» каби бир неча йўналишда ўтказилди.

— «Оилага кириш»да маҳалла фуқаролар йиғини масъуллари, фаоллар, имом-хатиблар иштирокида ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар ўрганилиб, уларга тегишли ёрдам кўрсатилди, — дейди Фонднинг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бошқаруви раиси ўринбосари Азамат Калбоев.

Қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиника шифокорлари, жамоат ташкилотлари вакилларидан иборат гуруҳ иштирокида «Саломатлик» йўналишида аниқ манзилли, муддатли ва тизимли иш олиб бориш намунаси кўрсатиб берилди.

Форум тадбирлари давом этмоқда.



# Вазифалар белгиланди

**Самарқанд шаҳридаги Сайид номли маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилган давра суҳбатида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди шаҳар бўлинмаси, хотин-қизлар қўмитаси вакиллари, таълим ва тиббиёт муассасалари ходимлари, маҳалла фаоллари юртимизда оилаларни мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.**

■ Ф.ЭСОНОВ
«Mahalla»

Тадбирда бугунги кунда давлат ва жамоат ташкилотлари, таълим ва тиббиёт муассасалари, имом-хатиблардан иборат гуруҳлар маҳаллаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш юзасидан олиб бораётган тушунтириш ишлари таҳлил этилди.

— Профилактик ҳисобда турувчи, нотинч ва ноқобил оилалардаги вазият ўрганилиб, уларга зарур ёрдам кўрсатилмоқда, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мўмин Мусинов. — Ёш оилалар моддий ва маънавий қўллаб-қувватланаётир. Шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ёшларни «оммавий маданият» таъсирларидан асраш каби долзарб масалалар доимо эътиборимизда.

Тадбир сўнгида Соғлом бола йилида бажариладиган ишлар белгилаб олинди.

ХУШХАБАР

# Нукусда янги марказ

**Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиали базасида янги ўқув-услубий марказ фаолиятини бошлади.**

■ А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Германия халқаро ҳамкорлик жамияти ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу марказ врачлар, акушер-гинекологлар, ҳамшираларнинг билим ва малакасини оширишига хизмат қилади.

Марказнинг очилишига бағишланган тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Д.Ҳожиев, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти проректори Ҳ.Оқилов Президентимиз раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар жараёнида тиббиёт ходимларининг билим ва малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

— Қорақалпоғистонда бундай марказнинг фаолият бошлаши экологик нуқтаи назардан, айниқса, муҳим аҳамият касб этади, — дейди Тошкент врачлар малакасини ошириш институти проректори Ҳ.Оқилов. — Бу ерда барча шифокорлар, ўрта бўғин тиббиёт ходимлари ўз билим ва малакасини янада ошириши учун замонавий шароитлар яратилган.

ИБРАТЛИ ОИЛА

# Юз билан юзлашган мураббий

**Оила — муқаддас тушунча. Бизда оиладаги муносабатлар қадрият сифатида авлоддан авлодга ўтиб келади.**

■ Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»

Бир неча йилдан буён бирга умргузаронлик қилаётган отахону онахонларни кўрганда ҳавас қиласан киши. Хўш, қўша қариб, узоқ умр кўриш сири нимада? Албатта, оиланинг тотувлиги ва хотиржамлигида, деган жавоб олиш мумкин. Аммо яна бир сири — спорт билан шуғулланиб турган кишилар ҳам узоқ умр кўриши фанда исботланган.

Эрталабдан бадантарбия қилиб, маҳалла бўйлаб югураётган беш-олти нафар қарияларни кўрган киши ҳайратланади. Билганлар эса маҳалламизнинг чемпион чоллари, деб қўяди. Энг олдинда югуриб кетаётган жуссаси кичкина Мўмин ота Жалиловни эса ҳамма танийди ва унга ҳавас билан қарайди.

Ўрта Чирчиқ туманидаги Абдукарим Йўлбарсов номли маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Мўмин ота ва Ҳарира аяларни қўша қариганлар десак арзийди. Улар 70 йилдан бери бирга. Ҳозирда беш нафар фарзанди ва элликдан ортиқ невара ҳамда эваралари бор. Мўмин ота бу йил 100 ёшни, Ҳарира ая эса 96 ёшни қарши олади. Ҳар иккови қирқ йилдан ортиқ ўқитувчилик қилишган. Ўзларининг ҳалол меҳнатлари ва ибратли оиласи билан маҳалладошларининг ҳурмат ва эъзозига сазовор бўлишган. Шунингдек, Мўмин ота қарийб 10 йил маҳаллага раислик ҳам қилди. Ҳануз маҳалла ишларида фаол. Ўгит ва насиҳатлари барча ишда асқотаётир. Маҳалладошлар ҳам ўз қувончларини Мўмин ота ва Ҳарира ая билан баҳам кўришади.

Қўша қариганлар ўз ҳаёт йўлларида кўп бор турмушнинг пасту баландларига дуч келишган. Қаҳрамонимиз Иккинчи жаҳон урушида қатнашиб, кўкси орден ва нишонларга тўлиб қайтган. У отлиқ аскарлар отрядида душманга қарши мардонавор курашгани ҳақида ҳикоя қилар экан, бугунги осойишта кунларимизга шукроналар келтиради. Мўмин ота мактабда жисмоний тарбия фанидан дарс бериш билан биргаликда спорт бўйича мураббий бўлиб ҳам ишлаган. Юздан ортиқ спортчи шогирдлари бор. 1950-1970 йилларда спортнинг гимнастика турида эришган ютуқлари учун ҳамкасблари ва шогирдлари Мўмин отани «гимнастика қироли» деб атай бошлашди. «Пахтакор» футбол жамоасида тўп сурган машҳур футболчилар — «чапақай дарвозабон» Юрий Пшеничников ҳамда Владимир Фёдоровларнинг илк мураббийи Мўмин ота бўлади. У бугун ҳам ёшларнинг спорт машғулотларини кузатади ва улардан маслаҳатларини аямайди.

— Маҳалламизда уч минг нафарга яқин аҳоли 540 та оилада истиқомат қилади, — дейди фуқаролар йиғини раиси Асатилла Исмоилов. — Бизда намунали оилалар кўп. Мўмин ота ва Ҳарира ая хонадони эса маҳалламиздаги ибратли ва фаол оилалардан. Улар ҳануз ёшлардан ўз маслаҳатларини аяшмайди. Ҳудудимиздаги 37- ва 47-умумтаълим мактабларидаги спорт залларида 20 турдан ортиқ спорт тўгараклари мавжуд. Қурилиш ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида жаҳон андозалари асосида қурилган стадион бўлиб, унда болалар футбол ва волейбол билан шуғулланишади. Тумандаги барча мусобақалар шу ерда ўтказилади. Бокс ва таэквондо бўйича яхши натижаларга эришаётган ёшларимиз талайгина. Албатта, уларнинг барчаси Мўмин отани ўз устози деб билишади.

Дарҳақиқат, Мўмин ота узоқ умр кўришининг сирини спорт билан мунтазам шуғулланганлигидан, деб билади.

— Бугунги ёшларга жуда ҳавасим келади. Юртбошимиз раҳнамолигида улар учун яратилаётган имконият ва шароитларнинг чегараси йўқ. Мен шогирдларимга доим вақтдан унумли фойдаланишни уқтираман. Яна бир гап: соғлом бўлай десангиз, спорт билан шуғулланинг, — дейди жилмайиб қаҳрамонимиз.

Шу ёшда ҳам ўсмирларга хос шижоатга эга нуронийнинг келажакдаги мақсадларини эшитиб, лол қолдик.



# «Kids' english-2» дарслиги яратилди

**Мамлакатимиз умумтаълим мактабларининг 2-синф ўқувчилари учун янги чет тили дарсликлари яратилмоқда. Улардан бири «Kids' English-2» дарслик мажмуасидир.**

Ушбу қўлланма ҳар бир туман(шаҳар)даги битта умумтаълим мактабининг чет тилларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган синфларида жорий йилнинг 11 январидан 20 мартигача тажриба-синовдан ўтказилади.

Бугунги кунда дарслик ва машқ дафтари 2,5 минг нусхада, ўқитувчи китоби 200 нусхада «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилиб, жойларга етказилди. Электрон дисклар Халқ таълими вазирлиги қошидаги Мультимедиа марказида тайёрланиб, 200 донага кўпайтирилди. Тажриба-синов майдонлари француз ва немис тили дарслик мажмуаларининг электрон варианти билан таъминланди.



МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИК

# Ўтмиш ва бугунга уйғун тасвирлар



**Инсоният ақл-заковати, ижодий изланиши ҳамда қалб ҳарорати билан яратилган ижод маҳсулидан санъат асарлари пайдо бўлади. Айниқса, унда меҳр-муҳаббат, ижодий яратувчанлик ғоялари, қолаверса, борлиқ жозибасини акс эттира олиш ҳақиқий мўъжизадир.**

**Зебинисо ҲАЙИТОВА**
**«Mahalla»**

Наргиза Элтоева томонидан яратилган каштадўзлик ва попопчилик усулида сайқал топаётган миллий либосларни ҳақли равишда ана шундай асарлар сирасига киритиш мумкин.

Пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги «Зарқайнар» маҳалласида истиқомат қилувчи Н.Элтоева ҳунармандлар сулоласидан. У ўн ёшиданоқ қўлига игна олиб, бувиси ва онаси Ҳавогул опадан каштадўзлик сирларини ўрганди. Кейинчалик ўзи мустақил равишда турли нақшлар, шакллар композициясини яратиб, уни либосларга кўчирди.

— Каштачилик ва попопчилик халқ ҳунармандчилик санъатининг энг қадимий турларидан, — дейди дўзанда. — Шу ҳунар билан оилавий шуғулланамиз. Кўпроқ батик услубида ишлаймиз. Яъни кашта ва попоп нақшларини уйғунлаштирган ҳолда либослар, пойабзал ва сумкаларга туширамиз. Бу йўналиш анча маҳорат ва ижодий изланиш талаб этади. Каштачиликнинг дол, терма, йўрма услублари мавжуд бўлиб, босма, кандахаёл, хомдўзи, ироқи, попур, илмоқ ва бахя каби чок турларидан фойдаланамиз. Либосларни тикишда ипак, шойи, адрас, ҳисори ва бахмал матоларини танлаймиз.

Харидорлар турли кўриниш ва рангдаги кийимларга буюртма беришади. Бор маҳоратларимизни ишга солиб, улар кўнглига йўл топиш ҳаракатидамиз.

Ҳунарманднинг айтишича, каштачиликда ҳар миллатнинг ўзига хос нақшлари мавжуд. Айнан ўзбек миллий каштачилигида ўсимликсимон, геометрик шакл ҳамда гул нақшлари кўп қўлланилади. Аввало, мато танланиб, керакли ўлчамда бичилади. Сўнгра нақшлар чизилиб, унга мос чоклар солинади. Сўзана ва либосларга туширилган бундай тасвирлар алоҳида маъногa эга. Масалан, анор — фарзанд белгисини англатса, қалампир — ёмон кўзлардан асрагувчи тумор сифатида англашилади, бодом — ризқ-рўз, очилган гуллар — муҳаббат, шохчали гуллар мажмуаси — фаровон ҳаёт, қушлар эса бахтомадни ифодалайди.

Наргиза Элтоева гўзаллик ҳақидаги қарашлари ва орзуларини ижодида ифодалашга ҳаракат қилмоқда. Улар ёрқинлиги, бир-бирига уйғунлиги ва табиийлиги билан эътиборни тортади. Бунинг яна бир сабаби, кашталардаги ранг-баранг ипаклар бўёғи анор, ёнғоқ, пиёз, исириқ ва қалампир каби табиий хомашёлардан тайёрланганида.

Юртбошимизнинг 1997 йил 31 мартдаги «Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижроси доирасидаги амалий ишлар ҳунар эгаларининг иқтидор ва интилишларига қанот бағишлади. Жумладан, Н.Элтоева ҳам фаолиятини оилавий тадбиркорлик асосида давом эттирмоқда.

Айни пайтда у ҳунар эгаллаш ниятидаги маҳалла қизларига сабоқ бериб келаётир. Улар тиккан каштаю сўзаналар нафақат мамлакатимиз, балки хорижда ташкил этилаётган кўргазмалардан ҳам жой олмоқда. Шу кунларда каштадўз ва унинг шогирдлари яқинда Австрияда бўлиб ўтадиган кўргазмада иштирок этиш учун қизғин тайёргарлик кўришяпти.

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

# Тараққиёт жараёни жадал тус олган

**Ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш фаровонлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Қўнғирот тумани республикамизнинг энг чекка ҳудудларидан. Бироқ туманда тараққиёт жараёни жадал кечмоқда.**



**Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ**
**«Mahalla»**

Ҳудудда бир қанча саноат корхоналари, завод ва фабрикалар фаолият юритаётир. Уларда мингдан зиёд йигит-қиз меҳнат билан банд.

Ёшларни иш билан таъминлаш, тадбиркорлар сафини кенгайтириш ва шу асосда аҳоли турмуш даражасини янада оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда йиғиннинг Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссиялар фаолияти алоҳида ўрин тутмоқда.

Айни пайтда олиб борилаётган кенг қамровли тадбирлар асосида туманнинг 38 та маҳалласида 870 та тадбиркорлик субъекти фаолият юритмоқда. Хусусан, «Саноат» маҳалла фуқаролар йиғинида бу борада самарали ишлар амалга оширилди. 3500 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган мазкур ҳудудда 3 та савдо дўкони, 2 та тикувчилик цехи, новвойхона, тўйхона, бир нечта маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси ҳамда 20 га яқин кичик бизнес тармоқлари аҳоли хизматида.

— Комиссиямиз 7 нафар фаол аъзодан иборат, — дейди Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссия раиси Рашид Қиличев. — Уларнинг ҳар бирига кўчалар, ҳудуддаги муассасалар ҳамда тадбиркорлик субъектлари бириктирилган. Ўтган йили тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган 15 нафар фуқарога керакли тавсия ва кўникмалар берилиб, банк томонидан кредит маблағлари олишларига кўмаклашилди. Натижада 20 нафардан зиёд ёшларимиз ишли бўлди. Қолаверса, касаначилик ва уй меҳнатини ташкил этиш ҳам кенг йўлга қўйилган. Айни кунда 15 нафар хотин-қиз уй шароитида меҳнат қилиб, оила бюджетига ўз ҳиссасини қўшяпти.

Ҳунарманд Абдуали Худойбергенов эса, темирчилик устахонасини ишга тушириб, турли рўзғор буюмларини ясаш билан бирга, дераза ромлари учун темир панжара, дарвоза ҳамда қувурлар тайёрлашни йўлга қўйди.

— Маҳсулотларимиз харидорларга манзур бўлаётганидан қувонаман, — дейди тадбиркор. — Устахонани ташкил этишда йиғин фаолларининг, айниқса, Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссиянинг кўмаги беқиёс. Яқинда фаолиятимизни янада кенгайтирганимиз боис қўшимча ишчи кучига эҳтиёж туғилди. Фаоллар кўмагида маҳалла йигитларини ишга жалб қилдик. Келгусида мих ишлаб чиқарадиган цех ҳамда замонавий ойналар тайёрлашни режалаштиряпмиз.

Мухтасар айтганда, тумандаги барча маҳаллаларда соҳа ривожига қаратилган саъй-ҳаракатлар изчил давом этаётир.

МАҲАЛЛАДА САНОАТ

# Натижалар салмоғи ваколатнинг кенглигидан

**Мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг муҳим институти бўлган маҳалла фаолиятини такомиллаштиришга берилаётган катта эътиборнинг самараси яқинда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчиларига ўтказилган сайловларда яна бир бор намоён бўлди.**



**Рисбой СОЙИБОВ,**
**Жиззах вилояти Бахмал туманидаги Бахмал қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.**

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар йиғини раиси(оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонуни асосида бўлиб ўтган ушбу муҳим сиёсий жараёнда сайловчилар номзодларга уларнинг ҳудудни ободонлаштириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишдаги аниқ ишларидан келиб чиқиб баҳо беришди, шу мезонлар асосида уларга ишонч билдиришди.

Янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг 17-моддаси маҳаллани хусусий тадбиркорлик, жумладан, оилавий бизнес ва ҳунармандчиликни ривожлантириш марказига айлантириш бўйича ваколатларни янада кучайтирди, десак муболаға бўлмайди. Бу вазифани амалга оширишда фуқаролар йиғинлари кенгашлари ҳамда йиғин ҳузуридаги маслаҳат марказлари зиммасига катта масъулият юкланган.

Бугун Бахмал қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида 15 минг 300 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Йиғинимиз вилоят марказидан узоқ, тоғли жой бўлишига қарамай, бу ерларда ҳам тадбиркорлар саъй-ҳаракатлари билан обод ва кўркам манзара зоҳир бўлган.

Кейинги икки йилда ҳудудимизда 8 та савдо дўкони, 3 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси ташкил этилди. Тўққиз нафар тадбиркорга банк томонидан кредит маблағлари ажратилди. Жумладан, нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, 2 та интенсив боғ, балиқчилик, паррандачилик, асаларичилик тармоқлари, тикувчилик цехи ишга туширилди. Натижада 80 та янги иш ўрни яратилди. Шулардан 14 тасига коллеж битирувчилари жалб этилди.

Моргузар тоғ тизмалари бағрида жойлашган қишлоғимизнинг салқин иқлими боғдорчилик ва чорвачилик учун жуда қулай. Бу эса маҳсулот етиштириш ҳажмининг ортишига, қайта ишлаш корхоналарининг барпо этилишига омил бўлмоқда. Масалан, «Нур» фермер хўжалиги раҳбари Ҳотам Нурмонов банкнинг 25 миллион сўм кредит маблағи эвазига мева-сабзавотларни қуритиш технологияси сотиб олди. Корхонада 5 нафар ходим доимий иш билан банд. Худди шундай маблағ ҳисобидан яна бир тадбиркор кийимларни кимёвий тозалаш цехи, яна бири тўйхона барпо этди. Қолаверса, 2 та тикувчилик, битта гилам тўқиш цехи, 1 та паррандачилик ва балиқчилик хўжалиги ҳамда иккита ёғочни қайта ишлайдиган устахона ишга туширилди.

Бир сўз билан айтганда, ҳудудимизда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаларида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларнинг барчаси аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, бандликни таъминлашга қаратилган.

ИМКОНИЯТ

# Харидорларга манзур, хорижликлар ҳавасманд

**Андижон азал-азалдан қўлигул чеварлар, ҳунармандлар гўшаси ҳисобланади. Айниқса, хориждан ташриф буюрган меҳмонлар гўзал нақшлар билан тикилган дўппию миллий либосларга ҳавасманд.**

**Дилноза ИСМОИЛОВА**
**«Mahalla»**

Қўл меҳнати билан ясалган бежирим жиҳозлару нақшинкор эшик-ромлар кишини бефарқ қолдирмайди. Ҳунармандчиликнинг ноёб тури — сандиқчилик ҳам бобомерос касблардан бўлиб, унинг сир-асрорлари авлоддан-авлодга ўтиб келаётир.

Булоқбоши туманидаги «Андижон» маҳалласида сандиқ ясашнинг ҳадисини олган оилалар талайгина. Рўзимуҳаммад Мирзараҳимов ҳам эл эътиборига тушган ҳунармандлардан. У 15 ёшидан буён сандиқ, уй жиҳозлари, эшик ва ромлар ясайди. Маҳалла гузаридан унча узоқ бўлмаган жойда устахона очиб, ўндан ортиқ шогирдлари билан меҳнат қилмоқда. Уста ижодининг ўзига хос жиҳати шундаки, у ёғоч ўймакорлигидан фойдаланиб, сандиқларга миллий ва замонавий нақшларни уйғунлаштиради. Эшик-ромлар, уй жиҳозларига ҳам ана шундай нафис безаклар билан ишлов беради.

— Юртимизда оилавий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилмоқда, — дейди уста-дурадгор. — Улардан унумли фойдаланиб, мамлакатимиз ривожига ўз ҳиссамни қўшаётганимдан мамнунман. Ота-боболаримиз ушбу касб ортидан эл орасида ҳурмат топиб, рўзғор бутлаган. Ҳунармандларга яратилаётган имкониятлар боис фаолиятимиз кўлами кундан-кунга кенгайиб бораётир. Айниқса, мавжуд имтиёзлар соҳа тараққиётини таъминлаётир.



Айни кунларда уста қўл меҳнатидан ташқари, замонавий компьютер ускуналари ёрдамида маҳсулотлар дизайнининг эскизини яратиб, сифатли, харидоргир буюмлар тайёрлашни йўлга қўйди. Натижада иш унумдорлиги ортиб, ҳафтасига бешта сандиқ, шунча эшик ва ром сотувга чиқарилмоқда. Қолаверса, маҳалла ёшлари «устоз-шогирд» йўналишида ҳунар ўрганиб, аждодлар анъанасини давом эттиришаётир.

СОЛИҚ ТИЗИМИДА

# Йўналишсиз таксилар: ҳаракат қоида ва талабларга мос бўлсин

**Мамлакатнинг иқтисодий барқарорлиги солиқ ва бошқа тўлов турларининг ўз вақида, аниқ амалга оширилиши билан боғлиқ. Юртимизда эса адолатли солиқ сиёсати тизимли йўлга қўйилган.**

**Мирзоҳид ОБИДОВ,**
**Тошкент шаҳар Миробод тумани ДСИ бўлим бошлиғи.**

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги «Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан «Йўналишсиз таксилар учун ягона таниш белгилари ва уларнинг ишларини ташкил этишга қўйиладиган талаблари тўғрисида»ги низом тасдиқланди.

Мазкур низомда йўналишсиз такси белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган тақдирда ушбу автотранспорт воситаси учун лицензия карточкасининг амал қилинишини тўхтатиш тарзидаги таъсир чоралари қўлланилади. Шунингдек, йўналишсиз такси ҳайдовчисининг белгиланган талабларга номувофиқлиги аниқланганда ҳайдовчига нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган интизомий ёки маъмурий чоралар кўрилиши мустаҳкамланган. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг $176^4$-моддасига асосан, ягона таниш белгилари билан жиҳозланмаган ёки белгиланган талаблар бузилган ҳолда жиҳозланган таксиларни йўлга чиқариш транспорт воситаларининг техник ҳолати ва улардан фойдаланиш учун масъул бўлган мансабдор шахсларга энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Тегишли тартибда ягона таниш белгилари билан тўлиқ жиҳозланган таксиларнинг ҳайдовчилари мазкур белгилардан қасддан фойдаланмаса ёки улар шикастланганига қарамай, йўловчиларни ташиса, энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдордаги жаримага тортилади.

Таъкидлаш жоизки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг $176^3$-моддасига кўра, автомобиль транспортида йўловчилар ташиш фаолияти билан лицензиясиз шуғулланиш энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса эллик бараваридан юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишни талаб этади.

Тошкент шаҳар Миробод тумани давлат солиқ инспекцияси томонидан ушбу соҳада белгиланган тартиб ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилиниши юзасидан маҳаллаларда, давлат ва жамоат ташкилотларида тарғибот ишлари мунтазам олиб борилмоқда.

Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХ бошқармаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошидаги Йўловчи ташиш транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти ва Тошкент шаҳар, туман давлат солиқ инспекциялари ходимлари томонидан ҳамкорликда мунтазам равишда назорат тадбирлари ўтказилмоқда. Уларда айрим фуқаролар томонидан ноқонуний тарзда йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланганлик ҳолатлари ҳам аниқланаётир.

Ҳамкорликда ўтказилган тадбирлар натижасида ноқонуний йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланаётган 123 нафар қоидабузар шахсга нисбатан қонуний чоралар кўрилди.

Хулоса қилиш мумкинки, юртимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қулай шароитлар яратилган. Улардан оқилона фойдаланиб, қонун доирасида фаолият юритаётган ишбилармонларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари давлатимиз томонидан ҳимояланади. Шундай экан доимо мавжуд қонунларга амал қилайлик.

ТАДБИРКОРЛАР ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

# Масъулият ҳар ишда муҳим

**Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, шу йўл билан аҳоли даромадларини ошириш ҳамда бандликни таъминлашга катта эътибор қаратилаётир. Бу борада мустаҳкам ҳуқуқий асос ва тегишли имтиёзларнинг мавжудлиги ишбилармонларга қанот бўлмоқда.**

**Бекзод ТЎЙЧИЕВ,**
**Фарғона вилояти Адлия бошқармаси катта маслаҳатчиси.**

Айниқса, Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 23-моддасида тадбиркорлик фаолияти субъектидан мулкни олиб қўйишга, унинг бошқа ашёвий ҳуқуқларини бекор қилишга, шунингдек, уларни чеклашга йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилган. Мазкур қонуннинг 34-моддасига кўра, давлат органлари, бошқа ташкилотлар ҳамда уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошираётган фаолиятига аралашишга ҳақли эмас.

Тадбиркорнинг ишига аралашишга қонун йўли билан тақиқ қўйилганига қарамай, ҳамон эскича фикр юритиб, хизмат вазифасини суиистеъмол қиладиган мансабдор шахсларнинг ҳаётда учраб туриши таассуфли ҳолдир.

Марғилон шаҳридаги «Армуз спектор технолог» хусусий корхонаси раҳбари Д.Низомов Фарғона вилояти Адлия бошқармаси «Ишонч телефони»га қўнғироқ қилиб, корхонасига тегишли тўлов терминали ҳаракати тўхтатиб қўйилгани(блокировка)дан норозилигини билдирди. Бошқарма ходимлари томонидан мазкур мурожаат ўрганиб чиқилиб, ҳолат ўз тасдиғини топди.

Гап шундаки, «Армуз спектор технолог» хусусий корхонаси «Агробанк»нинг Фарғона вилояти филиали мижозларидан бири саналади. Корхонада ўрнатилган терминал, яъни мижознинг ҳисоб рақами ҳар ўн кун давомида таҳлил қилиниб, у нақд пул тушуми меъёрини тартибга солиш мақсадида банкнинг пластик карточкалар бўлими томонидан вақтинчалик тўхтатиб турилган.

Бундан «Агробанк» вилоят бошқармаси пластик карточкалари бўлими бошлиғи А.Усмоновнинг юқорида номи зикр этилган қонун талабларига амал қилмагани аён бўлади. «Армуз спектор технолог» хусусий корхонаси ўтган йилнинг февраль ойида 3102 минг сўм тўлов терминали орқали, 85.0 минг сўм нақд пул маблағларини банкка топширгани сабабли 2013 йил 23 февралдан 27 февралга қадар унинг тўлов терминали асоссиз равишда блокировка қилинган. Натижада тадбиркорнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари чекланган ва бу ҳол унинг ҳақли норозилигига сабаб бўлган.

А.Усмонов ўзининг ушбу ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг $241^1$-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган. Унга нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирилиб, Жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судига юборилди. Суднинг 2013 йил 25 мартдаги қарори билан унга тегишли миқдорда жарима жазоси тайинланди.

Юртимизда тадбиркорлик фаолияти давлат ҳимоясида. Шундай экан, мулкдорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини бузиш ёхуд уларни турли кўринишларда чеклашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Қонунбузарлар эса, ким бўлишидан қатъи назар, хатти-ҳаракатларига яраша жавобгарликка тортиладилар.